

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА
ЎҚУВ МЕТОДИКА МАРКАЗИ

**Мактабгача таълим муассасаларнинг
кичик гурӯҳи учун нутқ ўстириш бўйича
машғулот ишланмалари**

Тошкент-2015

Муаллифлар: Проф. Ф.Р. Қодирова,
М. Файзуллаева, З. Рахимова, М. Рустамова, З. Файзиева

Тақризчилар:

Г.Қ.Жалолова-Тошкент ш. Юнусобод тумани 47-МТМ
логопеди

Ризаева Х. У- Тошкент ш. Юнусобод тумани 460-МТМ
мудираси

А.Раупова-206 МТМ- Мактаб мажмуаси методисти

С. Мажидова- Тошкент ш. Учтепа тумани 19-МТМ методисти

Мұҳарир: Ш. Шомансуров

Нашр учун

масъул: М. Ш. Расулова-п.ф.н. , доцент

Ушбу методик қўлланма 3-4 ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларнинг оғзаки нутқини ўстириш ва саводга тайёргарликда тарбиячилар ва ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилди. Кўлланмада кичик гуруҳи учун бир йиллик машғулотлар ишланмалари тўлиқ ёритиб берилган.

Методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимининг мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказида ташкил этилган Илмий-методик кенгашнинг 2011 йил 4-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Кириш

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини ҳисобланиб, у мактабда ўқиш учун тайёр, соғлом болани тарбиялашни қўзда тутади. Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлашда, унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш зарур.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларининг асосий йўналишларидан бири нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарликдан иборат. Бу умумий вазифа – “Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик” қуидаги маҳсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки (диалогик) нутқни шакллантириш, равон нутқни ривожлантириш, бадиий сўзга қизиқиши тарбиялаш, саводга тайёргарлик.

Ушбу методик қўлланма 3-4 ёшли болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш ва саводга тайёрлашда тарбиячига ва ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида тайёрланган бўлиб, йил давомида ўтказиладиган 36 та машғулот педагогик технология талабларини инобатга олиб ёритиб берилган. Мавзу мазмуни машғулот давомида болаларга грамматик машқлар, турли интерфаол ўйинлар ёрдамида мустаҳкамланади.

Машғулот ишланмаларида 3-4 вазифа: боғланган нутқ, грамматика, луғат, товуш маданияти, саводга тайёргарлик вазифалари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб боришга ҳаракат қилинди. Бу иш услуби болаларнинг дастур вазифаларини тезроқ эгаллашларига ёрдам беради. Машғулот ишланмалари болаларни тарбиячи ёрдамида, мустақил ҳикоя тузиш, расмга қараб тарбиячи берган мазмун асосида ҳикоялар тузиш ва қайта ҳикоя қилиш ва саводга тайёрлашга ўргатишга қаратилган. Унда болаларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш мақсадида ҳар хил таълим - тарбиявий иш усулларидан: ўйин: таълимий, оғзаки: сухбат, савол- жавоб, ҳикоя қилиш, тушунтириш, баҳс- мунозара; кўргазмалик: расмни кўздан кечириш, кузатиш, сайр; амалий: машқ қилдириш, амалий топшириқ, таққослаш ва турли интерфаол ўйинлардан фойдаланилди ва улар ёрдамида мустаҳкамланди.

Қўлланмадан тарбиячилар, ота-оналар ва мактабгача таълим йўналиши талabalари болаларни мактаб таълимига тайёрлаш жараёнида ижодий фойдаланишлари мумкин.

Кичик гурұх

Нұтқ, ўқиши үзбек тайёрлаш

| 1-ярим йил | | | | | 2-ярим йил | | | | | Йил давомида | |
|------------|---|----|-----|------|------------|----|-----|----|---|--------------|----|
| IX | X | XI | XII | жами | I | II | III | IV | V | жами | |
| 4 | 4 | 4 | 4 | 16 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 20 | 36 |

Нұтқ, ўқиши үзбек тайёрлаш

| | Ой | Машғулот мавзуси |
|----|----------|---|
| 1 | Сентябрь | «Бўри билан эчки» ўзбек халқ әртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш |
| 2 | | Ўйинчоқ бўйича тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 3 | | Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш |
| 4 | | «Биз қубик ўйнаймиз» сурати устида сухбат |
| 5 | Октябрь | Қўғирчоқни тасвирлашга ўргатиш |
| 6 | | Ўйинчоқлар ҳақида сухбат |
| 7 | | Тарбиячининг ёрдамида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 8 | | Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 9 | Ноябрь | «Шолғом» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш |
| 10 | | “Г” товушини тўғри талаффуз этиш |
| 11 | | Ўйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 12 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 13 | Декабрь | «Чанада учамиз» сурати устида сухбат |
| 14 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 15 | | Буюмларнинг сифати ва белгиларини (катталиги, ранги) айтишга, саволларга тўғри жавоб беришга, ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 16 | | Тарбиячи билан биргаликда «Бўри ва эчки болалари» эртагини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш |
| 17 | Январь | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 18 | | Сурат бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 19 | | “Биз қушларни қандай овқатлантирамиз” жамоа тажрибасида ҳикоя тузиш. “Қўлимизни иситамиз” ўйини |
| 20 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 21 | Февраль | Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқлар ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 22 | | Ўйинчоқларни тасвирлашга ўргатиш |
| 23 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш. |
| 24 | | “Мушук ва мушукчалар” сурати устида сухбат |
| 25 | Март | Буюмни тасвирлашни ўргатиш |
| 26 | | Болаларни «Бўғирсоқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. |
| 27 | | Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш |
| 28 | | “Икки эчки” ўзбек халқ әртаги асосида қайта ҳикоя қилишни машқ қилиш |
| 29 | Апрель | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш |
| 30 | | Болаларни «Курк товук» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш |

| | | |
|----|-----|---|
| 31 | | Тарбиячи ёрдамида кичик ҳикоя тузишга ўргатиш. |
| 32 | | “Болалар балиқни овқатлантияптилар” сурати устида сұхбат |
| 33 | Май | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш. |
| 34 | | Сурат бўйича қисқа ҳикоя тузиш |
| 35 | | Күшчани кузатиш. Ёмғир ва қушлар ҳаракатли ўйин |
| 36 | | Асарни қайта ҳикоя қилиш «Мақтанчоқ қуён» ўзбек халқ эртаги |

1-машғулот

Мавзу: «Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Мақсад: Болаларни таниш адабий асар («Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртаги)ни тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

«А» товушининг тўғри талаффузини аниқлаш ва уни сўз ва сўз бирикмаларида тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар «Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар.

«А» товушини (сўзларда, сўз бирикмаларида) тўғри талаффуз қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

«А» товуши бор суратлар, ширма уйча, ўйинчоқлар, от-тойчоқ, сичқон-сичқонча, мушук-мушукча. Кўргазмали қуроллар: бўри, эчки, ғоз ўйинчоқлари.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Ҳозир, болажонлар мен сизга «Бўри билан эчки» эртагини айтиб бераман,- дейди. Тарбиячи ўйинчоқлардан фойдаланиб (саҳнаштириб) эртакни ҳикоя қиласди ва «Эртак сизга ёқдими? Ҳозир биз уни ҳаммамиз биргаликда ҳикоя қиласми. Мен бошлайман, сиз эса менга ёрдам бериб, давом эттирасиз (умумий ва якка-якка жавоблар)»-дейди.

Тарбиячи: Бир куни эчки подадан...

Болалар: ажралиб чиқсан экан.

Тарбиячи: Сени ейман!

Болалар: дебди бўри.

Тарбиячи: Мени-я?

Болалар: ха, сени.

Тарбиячи: Раҳм қил.

Болалар: Мен жуда очман.

Тарбиячи: Раҳм қилмайман. Сени бутунлай...

Болалар: бир ямлаб ютиб юбораман ва ҳ.к.

Болалар (бала) жумлани тугатгандан кейин, тарбиячи ўша ўйинчоқни қўяди ва у билан ҳаракатлар бажаради, кейин яна бир марта эртакни болалар билан биргаликда ҳикоя қиласди, лекин ўйинчоқлардан фойдаланмайди.

Ўйин машқи. Тарбиячи: Болалар, ҳозир «Бўри ва эчки» ўйинини ўйнаймиз. Сизлар эчкilar бўласиз. Мен эчкilar ўтлагани чиқадилар, десам тарқалиб,

ўтни қидирасиз, топасиз, ейсиз. Мен «Бўри» десам, жойингизга ўтириб оласиз, дейди. (Ўйин 2-3 марта такрорланади).

Тарбиячи қўлига ғоз ўйинчогини олади ва: қаранглар бу нима? Бу... (ғоз) Унинг исми (фа-фа). Ғознинг исми нима экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Ғоз сизнинг олдингизга келганидан хурсанд бўлиб, «фаа-фаа», «фаа-фаа» деб қўшиқ айтаяпти. Ғоз қандай қўшиқ айтди? (болалар жавоби) Ҳозир ғознинг қўшигини биз ҳам айтиб кўрамиз.(2-3 марта такрорланади).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Эртакнинг номи нима экан?

Эчкининг олдидан нима чиқиб қолди?

Бўри эчкига нима деди?

Эчки бўрига нима деди?

Бўрига эчкининг қандай гапи маъкул бўлибди?

Эчки нима қилди?

Бўри эчкини еб қўйдими?

Ғоз қандай қўшиқ айтар экан?

2-машғулот

Мавзу: Ўйинчоқ бўйича тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Ўйинчоқ бўйича тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Буюмларни ва уларнинг қисмлари, белгиларини тўғри айтишга (номлашга) ўргатиш.
- Болалар «U», «O» товушларини (сўзларда, сўз бирикмаларида) тўғри талаффуз қилишларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

«А» товушини (сўзларда, сўз бирикмаларида) тўғри талаффуз қилишга ўрганадилар. Ўйинчоқ бўйича тасвирий ҳикоя тузишга ўрганадилаар.

Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқлар, поезд, паровоз вагонлари билан сигир, какку, хўroz.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячининг столида поезд (вагонлари турли рангда) турибди. Ёнида кутида ўйинчоқлар: сигир, хўroz бор.

Тарбиячи поездни кўрсатади ва бу нима? деб сўрайди. Агар болалар жавоб бермасалар ёки нотўғри жавоб берсалар, тарбиячининг ўзи айтади: «Бу поезд», «бу паравоз». Келинглар, уни яхшилаб кўриб чиқамиз ва нималари борлигини билиб оламиз.

Болалар баъзи қисмларини (мўриси, ғилдиракларини) айтишлари мумкин, лекин тарбиячининг ўзи уларни кўрсатиши ва «Бу нима?», Паравознинг ранги қандай? Вагонлари-чи? Келинглар энди вагонларини кўриб чиқамиз. Вагоннинг нималари бор? каби саволлар беради.

Тарбиячи болага стол олдига келиб, истаган вагонни олиб кўришни ва унинг қисмларини айтиб беришни таклиф этади. Агар бола қийналиб қолса, кўпроқ болаларни жалб қиласи ёки ўзи вагоннинг қисмларини кўрсатади ва «Бу нима?», «Бу қисмнинг номи нима?» деб сўрайди.

Кейин тарбиячи қуидаги саволларни беради: Ким поездда юрган? Анвар сен поездда қаерга бординг? Ким билади? Кейин бола билан биргаликда ҳикоя қилади: Мен ёзда поездда бувимниги бордим. Поезд тез юради. У «ууу-ууу» деб қичқиради.

Үйин машқи. Тарбиячи болаларга «Поезд» үйинини үйнашни таклиф қилади. «Мен паравоз бўламан, сизлар эса вагон бўласиз». Болалар кетма-кет турадилар ва доира бўйлаб тарбиячи кетидан югурадилар ва «ууу-ууу» деб талаффуз қиладилар. Машқ бир неча марта такрорланади.

Кейин болалар ўз жойларига ўтирадилар ва машғулот давом этади. Тарбиячи «поезд» болаларга үйинчоқ олиб келди. Ҳозир бу үйинчоқлар қандай эканлигини кўриб чиқамиз. «Бу нима?» (сигир). Унинг исми (қўнғирой). Унинг шоҳи бор (кўрсатади). Сигир сут беради. Ким билади? Сигир қандай мўрайди? «Мўёў-мўёў» (умумий ва якка жавоблар). Бу нима? (хўroz). Тўғри, хўroz. Унинг бошида чиройли тожиси бор (кўрсатади). Хўрознинг думи катта ва чиройли (кўрсатади). Хўроз қандай қичқиради? (ку-ку-кууу) (умумий жавоблар). Ким хўroz ҳақида сўзлаб беради. (2-3 бола сўзлайди). Келинглар хўroz ҳақида шеър айтиб бераман.

Қу-ку-ку хўrozим.

Уйимда хушвазим.

Пақ-пақ қанот парвозим,

Қу-ку-ку хўrozим!

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Паравознинг ранги қандай? Вагонлари-чи?
2. Сигир ҳақида ким гапиради? Унинг исми нима? Сигир қандай мўрайди?
3. Хўroz ҳақида ким гапиради? Хўroz қандай қичқиради?

3-машғулот

Мавзу: Үйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш (тарбиячи ёрдамида).

Мақсад: Болаларни тарбиячи билан биргаликда үйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

Феълларнинг буйруқ майлини (сакра, югар) тўғри ҳосил қилишга ўргатиш, «ичида», «устида», «тагида», «олдида», «ёнида» сўzlаридан тўғри фойдаланиш.

«В» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячи ёрдамида үйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Үйинчоқлар: машина, бўри, балиқ, бўғирсоқ, айиқча, сичқонча.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячининг столида юк машинаси пайдо бўлади. Унинг ичидаги үйинчоқлар бор. Бизнинг олдимизга ким келди? (айиқча ва сичқонча). Ким улар ҳақида сўзлаб беради. (ҳохловчиларни чақиради, ва 4-5 бола ҳикоя қилади).

Карим сен сичқон ҳақида гапирасанми? (Бу сичқон. У кичкина, унинг қулоқлари кичкина, думи узун, кул ранг. Сичқон “чий-чий” деб овоз чиқаради).

Ким айиқ ҳақида гапиришни ҳоҳлайди? (Бу айиқ, унинг юмшоқ, пахмоқ, жигар ранг юнги бор. Бошида кичкина, думолоқ, қулоқлари бор, кўзи қора, бурни ҳам қора. Айиқ асални яхши кўради. Айиқ “э-э-э-э” деб қичқиради. У ўрмонда яшайди).

Тарбиячи: болалар, сичқонча ва айиқча сизлар билан ўйнашмоқчи.

Сиз топшириқ берасиз, улар сизларнинг топшириғингизни бажарадилар. Фақат улардан топшириқни бажаришни мулойимлик билан сўраш керак: «Айиқча, илтимос сакраб бер», «сичқонча, илтимос югур» каби (бир нечта бола такрорлади);

Кейин тарбиячи «Бекинмачоқ» ўйинни тавсия қиласди. Ўйинда сичқонча бекинади, айиқча топади. Айиқча орқасини ўгиради (болалар кўзларини юмадилар), сичқонча бекинади (болалар кўзларини очадилар). Айиқча ахтаради: Сичқонча қаерда? У машина тагидадир. Йўқ, у ерда эмас. Болалар, сичқонча қаерда? (Болалар айтиб берадилар). Кабина ичидаги мана у қаерга чиқиб олибди. Болалар яна кўзларини юмадилар, сичқонча бекинади. (Кабина устига чиқиб олади). Айиқча: сичқонча қани? деб сўрайди. Болалар айтиб берадилар. Ўйин давом этади. (Машина тагида, ёнида, олдида сўзларини айтиб машқ қиласди);

Ўйин машқи ўтказилади:

Тарбиячи: Болажонлар, келинглар, ҳаммамиз биттадан копток оламиз ва доира бўлиб турамиз. Коптокни икки қўллаб ушлаб олиб, пастга, гилам устига қўямиз. Гиламга ўтириб коптокни ўнг ён томонимизга қўямиз. Коптокни олиб чап ён томонимизга қўямиз. Коптокни оламиз. Ўтирган ҳолда коптокни олдимизга қўямиз. Олдинга, чап ёнга, ўнг ёнга деганда, копток қаерда бўлиши кераклигини билиб олдингиз. Мен энди фақат олдинга, чап ёнга, ўнг ёнга деб тураман. Сизлар машқни бажарасизлар. Бошладик:

- олдимизга

-чап ёнга,

-ўнг ёнга

Баракалла болалар, машқни жуда яхши бажардингиз. Коптокларни жойига қўйиб стулларга ўтириб оламиз.

Тарбиячи: Айиқ ва сичқонча сизларга ўйинчоқлар олиб келишибди, келинг уларни қўрамиз (бир неча болага такрорланади).

Яқунида: “ббўри, ббалиқ, бб bolt, ббодринг” сўзларини яна бир марта талаффус қиласмиш

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Айиқ ҳақида ким гапириб беради?
2. Сичқонча ҳақида ким гапириб беради?
3. Копток қаерда турибди? (олдида, устида, тагида, чап ёнда, ўнг ёнда)
4. Айиқча ва сичқонча сизга қандай ўйинчоқлар олиб келишибди?

4-машғулот

Мавзу: «Биз кубик ўйнаймиз» сурати бўйича тарбиячи билан биргаликда қисқа ҳикоя тузиш малакасини шакллантириш.

Мақсад: Сурат бўйича берилган саволларга жавоб бериш, тарбиячи билан биргаликда қисқа ҳикоя тузиш малакасини шакллантириш.

Вазифалар:

- Буюмлар ва ҳаракатни бирлик ва кўплек сонда тўғри айтишга ўргатиш. (масалан: кўряпти-кўряптилар, ўйнаяпти-ўйнаяптилар ва х.к.)
- «A», «U», «I» товушларининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш. Уларни сўзларда аниқ ва баланд талаффуз қилишга, эшишиб фарқлашга ўргатиш, нутқий нафасини ўстириш.

Кутилаётган натижалар:

Сурат бўйича берилган саволларга жавоб бериб, тарбиячи билан биргаликда қисқа ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Кўргазмали қуроллар: «Биз кубик ўйнаймиз» сурати.

Ўйинчоқлар: ғоз, парвоз, тойча, ипга осилган капалаклар.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи болаларга суратни кўрсатади ва саволлар беради: Суратда кимларни кўряпсизлар? (болаларни). Улар ҳақида яна нима дейиш мумкин? Булар ким? (кичкитойлар, қизлар ва болалар). Тўғри, суратда қизлар ва болаларнинг сурати чизилган. Улар нима қилишяпти? (ўйнаяптилар, уй қуряптилар). Тарбиячи болаларга исм қўйишни таклиф қиласди: қизчага Азиза, уй қураётган болага Илҳом, машина тортиб кетаётган болага Анвар деб исм қўйишни таклиф этади. (Ислардаги биринчи товушни ажратиб талаффуз қиласди).

Азиза нима қиласди? Азиза уй қуряпти. Илҳом нима қиласди? Анвар нима қиласди? Анвар кубикларни нимада олиб келяпти? Болалар нима қуряптилар?

Саволларга жавоб олгандан кейин тарбиячи уй қураётган болалар ҳақида биргаликда ҳикоя тузишни таклиф қиласди. Болалар Азиза, Илҳом ва Анвар уй қуришмоқчи бўлишиди. Илҳом ва Азиза ... (уй қуряптилар). Анвар эса машинада кубикларни олиб келяпти. Болалар (ахил хурсанд ўйнаяптилар).

2-3 бола тарбиячи билан биргаликда ҳикояни тақорлайди. Улардан, Сиз ҳам қуришни яхши қўрасизми? Нимани қўрасиз?-деб сўраш мумкин.

«Кимнинг капалаги узоқ учади?» машқини ўтказиши.

Тарбиячи болаларга ипга осилган капалакларни тарқатади ва уларни узоқ пулфлаб учирини таклиф этади. Машқ 3-4 марта тақорорланади.

Кейин машғулот яна давом этади. Тарбиячи ғозни кўрсатади ва «Бу нима?»-деб сўрайди. Болалар жавобини тинглайди ва «ғоз», унинг исми ға-ға. ға-ға ғоз қандай қўшиқ айтган эди? (ғаа-ғаа).

Бу нима? (парвозни кўрсатади). У қандай қичқиради? (умумий ва якка-якка жавоблар). Бу нима? (тойчани кўрсатади). Тойча қандай кишинайди? (умумий якка-якка жавоблар). Энди кимнинг қўшигини эшитаётганимизни айтиб берасиз. (а, у, и товушларини турли тартибда талаффуз этади, болалар топадилар).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Суратни қандай номладик?
2. Суратдаги болаларнинг исмлари нима экан?
3. Азиза нима қиляпти?
4. Илҳом нима қиляпти?
5. Анвар нима қиляпти?
6. Болалар нима қуряптилар?
7. Ғознинг қўшигини айтиб беринг.
8. Тойча қандай кишинайди?

Октябрь

5-машғулот.

Мавзу: «Қўғирчоқни тасвирлашга ўргатиш

Мақсад: Қўғирчоқни тасвирлашга ўргатиш, саволларга жавоб бериш, катталар ёрдамида қисқа тасвирий ҳикоя тузиш малакаларини шакллантириш.

Вазифалар:

- Буюмларнинг рангини тўғри айтишга, антонимлардан фойдаланишга, отларни сонда тўғри ўзгартиришга ўргатиш.
- «О» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш (алоҳида, товуш бирикмаларида, сўзларда).

Кутилаётган натижалар:

Сурат бўйича берилган саволларга жавоб бериб, тарбиячи билан биргаликда қисқа ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Қўргазмали жиҳозлар: Икки хил кийинган қўғирчоқлар. (кийимларининг ранги ва ҳар хил бўлиши мумкин). қўғирчоқ доктор Айболит ва эшак.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи қўғирчоқларни олиб келади ва болаларга: булар бизнига меҳмон бўлиб келишди. Мана бу қўғирчоқнинг исми Олия. Қўғирчоқнинг исми нима экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Олияниң сочи қандай? (қоп-қора). Олияниң сочидаги нима бор? (тасма). У қанақа рангда? Олияниң кўзлари қандай? (қоп-қора, катта). Олияниң оёғидаги нима бор? (пайпоғи, туфлиси). Уларниң ранги қандай?

Болаларнинг жавобини тинглаб, тарбиячи ҳикояни бошлайди: Бу ... (Олия). Олияниң бошида ... (қизил тасма бор). Оёқларида туфличалари, оқ пайпоқлари бор ва ҳ.к.

Тарбиячи отларнинг сифат билан сонда тўғри мослашувига эътибор беради (оқ тасма, тасманинг ранги оқ, қизил кўйлак). Кейин тарбиячи бошқа қўғирчоқни кўрсатади ва гапиради. Мана бу қўғирчоқнинг исми Фотима. Келинглар, нималар кийганини кўриб чиқамиз. Фотиманинг кўйлаги Олиянига ўхшайдими ёки бошқача? Унинг ранги қандай? Мана булар Фотиманинг нималари? (туфлилари ва пайпоқлари). Улар қандай рангда? Икки ўртоқ Олия ва Фотима ҳар доим бирга юришади. Олияниң кўйлаги қизил, Фотиманинг кўйлаги эса яшил рангда. Олияниң сочи ... (қоп-қора). Фотиманинг сочи эса ... (сарик ранг). Олияниң пайпоқлари ... (оппоқ), туфлилари эса ... (кор-қора). Фотиманинг пайпоқлари эса ... (оппоқ, оқ,

туфлилари ҳам оқ). Олияning бошида тасмаси бор. Фотиманинг эса тасмаси йўқ.

Кейин тарбиячи болаларга ўзлари ёқтирган қўғирчоқлари ҳақида гапириб беришни буюради. Саида, сенга қайси қўғирчоқ ёқади? Кел, бирга қўғирчоқ ҳақида гапириб берамиз. «Бу қўғирчоқнинг кўйлаги ... (қизилми ёки яшил?)». Бола билмаганда тарбиячи айтиб туради. Қўғирчоқнинг соchlари ... (сариқми ёки қорами? Пайпоги, туфлисининг ранги қандай экан? Болалар, Саида қайси қўғирчоқ ҳақида гапирганлигини топдингизми?).

Шундан кейин яна иккита бола ҳикоя қилади. Агар бола қийналса ёки индамай турса тарбиячи жумланинг бошини айтиб беради.

Тарбиячи ўйинчоқ эшакни кўрсатади ва «Бизнигя яна меҳмон келди. Қаранглар бу нима? (эшак)». У қандай ханграйди? (қичқиради, иооо) (умумий ва якка-якка жавоблар).

Ўйин ўтказилади. Болалар эшак бўлиб майдон бўйлаб югурадилар. «Иоо» деб қичқирадилар. Кейин жойларига ўтирадилар ва машғулот давом этади.

Тарбиячи қўғирчоқнинг лунжини боғлаб қўяди ва «о» товушини чўзиб (оооо) талаффуз қилади. Нима бўлди? Олия қўғирчоғимизнинг тиши оғриб қолдими? Олия нима деб йиғлаляпти? (умумий ва якка-якка жавоблар).

Қўғирчоққа ёрдам бериш керак. Келинглар, шифокорни чақирамиз.

Тарбиячининг қўлида доктор Войжоним қўғирчоғи пайдо бўлади. У, «нима бўлди?» Ким мени чақирди? деб сўрайди. Тарбиячи болаларга Олияга нима бўлганлиги ҳақида шифокорга гапириб беришни таклиф қилади. Бир болани чақиради (истаги бўйича). Зарур бўлса унга айтиб беради. Доктор Войжоним Олияning тишини даволайди. Мана доктор Войжоним Олияning тишини даволаб бўлди. Энди унинг тиши тузалиб қолди, энди докторга «Раҳмат ва хайр» деймиз. Болалар сиз сўзларни яна бир марта эшитинг. Олия, Фотима, доктор. Бу сўзларда «о» товуши бор.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қўғирчоқнинг исми нима экан?
2. Қўғирчоқ Олия ҳақида ким гапириб беради?
3. Қўғирчоқ Фотима ҳақида ким гапириб беради?
4. Олия тиши оғриганда нима деб йиғлади?

6-машғулот

Мавзу: Ўйинчоқлар ҳақида сұхбат.

Мақсад: Ўйинчоқларнинг номини, уларнинг ранги ва катталигини тўғри айтишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Қарама-қарши маъноли сўзлардан фойдаланиш малакасини шакллантириш (баланд, паст).
- Отлар ва сифатларни тўғри грамматик шаклларда қўллашга ўргатиш.
- «Е» товушининг тўғри талаффузини аниқлаш ва мустаҳкамлаш (алоҳида, товуш бирикмаларида, сўзларда).

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячи билан бирга қисқа ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Кўргазмали қуроллар: ўйинчоқлар: юк машинаси, оқ ва қора айиқчалар, эчки, турли катталиктаги арчалар. қўғирчоқлар (ўғил бола ва қиз бола).

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи хонага ўйинчоқлар солинган юк машинасини олиб киради (айиқчалар, эчки, қўғирчоқлар, арчалар солинган). Қаранглар, машинада қандай ўйинчоқларни олиб келибман? (Болалар жавоби). Тўғри, айиқчаларни, эчкини ва арчаларни олиб келдим.

Сиз бу ўйинчоқларни ўйнашни яхши кўрасизми? Булар нима? Тўғри, айиқчалар. Битта айиқча қандай рангда (оқ). Бошқа айиқча қандай рангда? (қора). Айиқчалар қандай қичқирадилар? (ээээ). Сайд, оқ айиқча қандай қичқиради? Кўрсат-чи? (Тарбиячи ўйинчоқни боланинг қўлига беради). Қора айиқча қандай қичқиради? Мана булар нима? (Арчалар). Қаранглар-чи ҳамма арчалар бир хилми? Мана бу арчалар баланд, булар-чи, қандай? Тўғри, улар паст. Кейин тарбиячи икки болани чакиради ва биттасига стул устига баланд арчаларни, иккинчисига паст арчаларни кўйишни буюради.

Сўнгра тарбиячи ўғил ва қиз қўғирчоқларни олади ва «Қизнинг исми Эътибор», дейди. Қизнинг исми нима экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Боланинг исми Эркин. Унинг исми нима экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Қаранглар-чи, машинада қандай ўйинчоқ келибди? (эчки). Эчки қандай маърайди? (мээ). Кейин тарбиячи болаларнинг уйларида қандай ўйинчоқлари борлигини сўрайди. Кам фаол болаларни фаоллаштириш учун уларга саволлар билан мурожаат қиласиди. Дониёр, сен қайси ўйинчоқлар билан ўйнашни яхши кўрасан? Лола, сенинг ўйинчоғинг қайси? Ўйинчоқлар нима учун керак? ва ҳ.к.

Тарбиячи болаларга ўйнашни таклиф қиласиди: Сизлар ҳаммангиз айиқчалар бўласиз, мен она айиқ бўламан. Мана, айиқчалар инларидан чиқиб, сайр қилишга кетдилар. Улар ўрмонда юрадилар ва «эээ» деб қичқирадилар. (болалар хона бўйлаб юрадилар ва «э» товушини талафуз қиласидилар). Тарбиячи «Айиқчалар сайр қилиб бўлдилар ва инларига она-айиқ олдига келдилар»-дейди. Болалар ўз жойларига ўтирадилар.

Келинглар, болалар айиқча, эчки, Эътибор, Эркин билан қандай воқеалар юз берганлиги ҳақида ҳикоя тузамиз. Тарбиячи стол устига арча қўяди ва ҳикояни бошлайди. Кунлардан бир кун эчки ўрмонга сайр қилиб юрган эди. Олдидан айиқча чиқиб, эчкига “э-э-э” деб қичқирди. Айиқча қандай қичқирди? Эчки қўрқиб кетиб “мэ-мэ-мэ” деб қичқирди. Эчки қандай қичқирди? Шу вақт Эркин, Эътибор деган болалар ўрмонда юришган экан. Улар эчкининг овозини эшишиб югуриб келишди ва эчкини овутишди. Ҳамма хурсанд бўлди. Ким ҳикояни қайтаради?

Эркин, Эътибор сўзларида “э” товуши борми? Келинглар, Эркин, Эътибор деган сўзларни қайтарамиз.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Оқ айиқча ҳақида ким гапиради?
2. Қора айиқча ҳақида ким гапиради?
3. Паст арчани кўрсатинг
4. Баланд арчани кўрсатинг

- 5.Қўғирчоқларнинг исми нима экан?
- 6.Қўғирчоқлар ҳақида ким гапиради?

7-машғулот

Мавзу: Тарбиячининг ёрдамида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Ҳайвон болаларининг кичрайтирувчи-эркаловчи номларини айтишга ўргатиш

Вазифалар:

- ҳайвон болаларининг номларини бирлик ва кўплек сонда тўғри ишлатишга ўргатиш.
- Ҳайвон болаларининг кичрайтирувчи-эркаловчи номларини айтишга ўргатиш билан болалар луғатини фаоллаштириш

Кутилаётган натижалар:

Ҳайвон болаларининг кичрайтирувчи-эркаловчи номларини айта оладилар ҳайвон болаларининг номларини бирлик ва кўплек сонда тўғри ишлата оладилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳайвон болаларининг расмлари, буюмлар, ўйинчоқлар: мушукча, қуёнча, ўрдакча, кучукча, қўзичоқ, хўтиқча, бўтолоқ, бузоқча.

Машғулотниң бориши:

Тарбиячи қуидаги шеърни ўқиёди:

Мушукчам бор қора мош,

Ўзи жуда ҳам юввош.

Эрта билан туради,

Юз-қўлинни ювади.

Бу шеър нима ҳақида? (мушук ҳақида). Шеърда уни эркалаб нима дейишади? (мушукча). «Мяу-мяу» эшитилади. Бу нима? (мушук). Уни эркалаб нима деб аташ мумкин? (мушукча, мушукжон). Яна иккита мушукча пайдо бўлади. «Булар нима?» (мушукчалар). Уларни эркалаб нима деб аташ мумкин? (мушукчалар, мушукжонлар). Мушукча қандай? (кичкина, юмшоқ).

Мушукчалар қандай? (кичкинагина, юмшоққина). Келинглар биргаликда мушукча, мушукчалар ҳақида ҳикоя қилиб берамиз. Саида, сен нима ҳақида сўзлаб беришни хоҳлайсан? (мушукча ҳақида). Бола тарбиячи ёрдамида ҳикоя қиласи: Бу ... (мушукча). У ... (кичкина, момик). Уни эркалаб мушукжон дейиш мумкин. Мушукча сутни ... (яхши кўради). Ёки: булар ... (мушукчалар). Улар ... (кичкина). Уларни эркалаб ... (мушукжонлар) дейиш мумкин. Мушукчалар ўз оналарини яхши кўрадилар.

Бу ким? Бу қуён. Қуён қандай? Уни эркалатиб қандай чакирса бўлади? (Болалар жавоблари)

Булар кимлар? Улар қандай? Уларни эркалатиб қандай чакирса бўлади? (Болалар жавоблари)

Қуён ҳақида шеър айтаман, биргаликда қайтарамиз.

Хой, қуён оппоқ қуён,


Кел, мен билан ўйнагин.

Чопқиллаб у ён-бу ён,

Боғчамизда қувнагин.

Болалар қуён ҳақида гапиришда қийналсалар тарбиячи улардан шаклдаги белгиларга қараб гапиришларини сүрайди.

Расмни күриб, жадвал бўйича у ҳақида сўзлаб бер.



- Бу қуён.

Куённинг боши, қулоқлари, танаси, оёқлари ва думи бор.

У кул ранг.

Ўрмонда яшайди.

Куён-ёввойи ҳайвон.

Таълимий ўйин: “Нима қандай маърайди?”

Тарбиячи: қуёнчалар олдига ўрдакчалар меҳмон бўлиб келишибди. Битта ўрдакча қуёнчалар ёнига борди, иккита ўрдакча эса мушукчалар олдига борди. (Сўз ўйинчоқларни кўрсатиш билан бошқарилади). Комила кўрсат-чи ўрдакча қаерда? Бу нима? (2-3 жавоб). Мана эчкилар ҳам келиб қолишиди. Ҳамма эчкилар мушукчалар олдига меҳмонга келди. Раъно, битта эчкича қаерда, кўп эчкилар қаерда? (2-3 жавоб). Ҳайвонларнинг овозидан таниб оласизми? Нима миёвлайди? «Миёв, миёв» ниманинг овози? Мушукка ўхшаб миёвланг. Нима “қу-қу-қууу” деб қичкиради? Тўғри, хўroz бўлиб қичкиринглар ва ҳ.к.

Шу тариқа барча ҳайвон болаларининг эркалантириб номланиши билан таништирилади.

Тетиклаштирувчи машқ.(Ихтиёрий)

Болалар учун амалий машқ

Тарбиячи болалар билан ҳайвон болаларининг кичрайтирувчи-эркаловчи номларини айтиш бўйича ишлайди. Болалар олдиларида ҳайвон болаларининг, предметларнинг кичрайтирувчи-эркаловчи номларини ифодаловчи расмлар бор. Болалар ўз расмлари номлаб айтиб беришлари керак.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Ҳайвон болаларини қандай эркалатиб чиқирамиз?
- Улар қандай овоз чиқарадилар?
- Кичрайтирувчи номларини айтинг? (чойнак, тугма, ғилдирак, болға, сумка)
- Ҳайвон болаларининг номларини кўплиқда айтинг?(қўзичоқлар, улоқчалар, хўтиччалар, мушукчалар,)

8-машғулот

Мавзу: Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқ ҳақида сўзлаб беришга ўргатиш.

Мақсад: Ўйинчоқни тасвирлашга ўргатиш.

Вазифалар:

- Феълларнинг буйруқ майлини ҳосил қилишга, антонимли сўзлардан фойдаланишга ўргатиш.
- «о», «е» товушларини тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар: Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқ ҳақида сўзлаб беришга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: ўйинчоқлар: айиқча, хўтиқ, эчки боласи, сичқон, юпқа қоғоз илингтан тайёқчалар.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи болаларга айиқча, хўтиқча эчки ўйинчоқларини кўрсатади ва улар ҳақида сўзлаб беришни машқ қилдиради.

Айиқчани болаларга кўрсатиш. Бу айиқ. Айиқнинг қулоғи кичкина, жигар рангда, айиқ асални яхши кўради. айиқча «Эээ-эээ» деб овоз чиқаради. Ким айиқча ҳақида сўзлаб беришни ҳоҳлади? Болаларга «Эээ-эээ» овозига тақлид қилдириш (якка ва бирга).

Хўтикни кўрсатиш. Бу хўтиқча. У кичкина, узун қулоқлари, узун думи бор, Хўтиқча «Иооо-иооо» деб овоз чиқаради. Ким хўтиқча ҳақида сўзлаб беришни ҳоҳлади? Болаларга «Иооо-иооо» овозига тақлид қилдириш (якка ва бирга).

Эчки боласини кўрсатиш. Бу эчкича. У кичкина, кичкина шохи, қулоғи бор. Эчкичанинг думи ҳам калта. Эчкича «Мэээ-мэээ» деб овоз чиқаради.

Болаларга «Мэээ-мэээ» овозига тақлид қилдириш (якка ва бирга).

«Кучли шамол эсди» машқини ўтказиш.

Болалар қоғоз осилган таёқчаларни олиб доира бўлиб турадилар ва «Шамол эсди» машқини ўтказадилар. «Кучли шамол эсди» (тарбиячи ва болалар қоғозга пулфайдилар), барглар ерга тушди (болалар ўтирадилар). Шамол тинди (Болалар турадилар. Машқ бир неча марта тақрорланади).

Тарбиячи болаларга ўйинчоқларни навбат билан кўрсатади. Болалар уларнинг номини ва қандай қичқиришини айтадилар («Иооо-иооо», «эээ-эээ», «мэээ-мэээ»).

Болалар айиқ ва хўтиқка топшириқ берадилар, улар болаларнинг топшириқларини бажарадилар.

“Айиқча юр”, “Хўтиқча сакра”, “Хўтиқча дўстларингни чақир” ва хокозо.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1.Айиқча ўйинчоғи ҳақида ким гапириб беради?
2. Хўтиқча ўйинчоғи ҳақида ким гапириб беради?

3. Эчки ўйинчоги ҳақида ким гапириб беради?

Ноябрь

9-машғулот

Мавзу: Болаларни «Шолғом» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Мақсад: Болаларни эртакни мустақил ҳикоя қилиб беришга ўргатиш.

Вазифалар: Болаларда тарбиячининг нутқини тинглаш ва тушуниш, берилган саволларга тортинмасдан жавоб бериш малакасини шакллантиришни давом эттириш

“а” товушини якка ҳолда талаффуз этишни машқ қилдириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларни «Шолғом» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар. “а” товушини түғри талаффуз этадилар.

Керакли жиҳозлар:

«Шолғом» стол театри, доктор Войжоним.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи эртакни стол театри орқали саҳналаштириб болалар билан биргаликда 2 марта ҳикоя қиласиди. Кейин тарбиячи стол театри персонажларини тарқатади ва эртакни яна бир марта ҳикоя қилишни таклиф этади. Уни ўзи бошлайди. Давомини болалар мустақил ҳикоя қиласидилар, (биринчи бола «Буви неварасини чақирди» сўзигача, иккинчиси «Невара кучукчани чақирди», сўзигача айтади ва ҳ.к.).

Тетиклаштирувчи машқ

Тарбиячи: Ҳозир биз ҳам шолғом экамиз (болалар шолғом уругини экадилар). Шолғомингиз қандай катта бўлиб ўсди? Кўрсатинглар-чи (болалар секин оёқ учida туриб қўлларини юқорига кўтарадилар, машқ бир неча марта тақрорланади).

Тарбиячи: болалар, бобо, буви, невараси шолғомни ювиб, тозалаб шолғом шўрва қилиб ичишибди. Улар шолғом шўрвани ичганда “Мазали шолғом экан”, деб мақташибди. Лекин кучукчага, мушукчага, сичқонча уларга қараб ўтиришибди. Бобонинг невараси уларга бошқа овқат олиб келибди: кучукчага суюкча, мушукчага сут, сичқончага нон бўллаги. Болалар мушукчага “Ол, мушукча сут ич”, кучукчага “Ол, кучукча суюкчани ғажи”, сичқончага “Ол, сичқонча нон бўллагини ғажи” деб биргаликда айтишади.

Тарбиячи болалардан ким нима еганини қайтариб сўрайди. Болалар бобо, буви, невараси шолғом шўрва, кучукчага суюкчани, мушукчага сут, сичқончага нон бўллагини ғажиганини айтадилар.

Тарбиячи: болалар қаранг бизга ким келди? Доктор “Войжоним” келди.

Доктор Войжоним: салом, болалар! Мен доктор Войжонимман. Мен сизнинг томоғингиз оғримиятими?, деб кўргани келдим. Ҳозир ҳаммангизнинг олдингизга бораман ва ҳар бирингиз оғзингизни очасиз “а-а-а” деб.

Шу тариқа болалар “а” товушини якка ҳолда талаффуз этадилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Эртакнинг номи нима экан?

2. Ким шолғом экибди?

3. Шолғомни кимлар тортди?
4. Бобонинг навараси мушукга нима берди?
5. Бобонинг навараси кучукка нима берди?
6. Бобонинг навараси сичқонга нима берди?
7. Доктор “Войжоним келганда қандай оғзингизни очдингиз?

10-Машғулот

Мавзу: “I” товушини түғри талаффуз этиш

Мақсад: Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Ҳайвонларнинг болалари номини түғри айтишга ўргатиш.
- “ча” қўшимчаси ёрдамида ясалган сўзларнинг маъносини тушунтириш.
- Ҳайвонларнинг болалари номини түғри айтишга ўргатиш.
- Қарама-қарши маъноли сўзларни фарқлашга ўргатиш.
- «I» товушини (сўзларда, сўз бирикмаларида) түғри талаффуз қилишни аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

«И» товушини (сўзларда, сўз бирикмаларида) түғри талаффуз қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

«I» товуши бор суратлар, ширма уйча, ўйинчоқлар, от-тойчоқ, сичқон-сичқонча, мушук-мушукча.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи болаларга кубик кўрсатади. Кубикнинг ён томонларида ғоз, паровоз, товуқ, жўжа, расмлари бор. Тарбиячи: “Кубик айлан, айлан, ён томонларингни менга кўрсат” деб кубикни думалатади. Тарбиячи кубикнинг ён томонидаги расмни кўрсатади. Масалан: паровоз. Паравоз қандай овоз чиқаради? (У-у-у-у) Тарбиячи болаларга товуқ, ғоз, жўжаларнинг расмларини кўрсатади ва уларнинг товушларини тақлид қилиб ифодалаб беришларини сўрайди.

Тарбиячи: «Болалар, қаранглар: бизнинг олдимизга нима сакраб келди? (от) (и-и-и товушини чўзиб талаффуз қиласди). От ўзининг тойчоғини «и-и-и» деб чиқаради. От тойчоғини қандай чақирар экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Отнинг боласи нима? (ўйинчоқнинг кўрсатади). Тойчоқ, яъни кичкина отча.

Қаранглар: она от катта, унинг боласи тойчоқ эса... (кичкина) у ингичка овозда кишинайди. Тойчоқ қандай кишинайди? (умумий ва якка-якка жавоблар). Сичқон пайдо бўлади. Ингичка овозда чий-чий овози эшитилади. Бу сакраб келган нима? (сичқон). Сичқон қандай чийиллайди? (умумий ва якка-якка жавоблар). Сичқон “чий-чий” деб ўз боласини чақиряпти. Унинг боласи нима? (сичқонча). Тарбиячи ўйинчоқларни кўрсатади: Она сичқон катта, сичқонча эса қанақа? Тўғри, сичқонча кичкина. Сичқонча қандай

чийиллайди? (ингичка чий-чий овозда) (умумий ва якка-якка овозлар). Ниманинг боласи «миёв-миёв» дейди? (Сўз бирикмаси юқори овозда талаффуз қилинади). Унинг онаси нима? (ўйинчоқни кўрсатади?) (мушукча). Она мушук катта. У қандай миёвлайди? (тарбиячи «миёв-миёв» сўз бирикмасини паст овозда талаффуз қиласи).

Мушукча қандай миёвлайди? Тўғри ингичка овозда (умумий ва якка-якка жавоблар).

Тетиклаштирувчи машқ

«Автомобил» ўйини ўтказилади. Болалар ҳайдовчилар бўлиб хона бўйлаб тарқалиб юрадилар, ҳаёлан рулни бурадилар ва «биииб-биииб» деб сигнал берадилар. Бунда «и» товушини овоз билан ажратиб талаффуз этадилар. Кейин стулчаларга ўтирилар ва машғулот давом этади.

Тарбиячи бошқа ўйинни ўйнашни таклиф қиласи. Стол устида ширма-ўйча бўлиб, унга ҳамма ҳайвонлар яшириниб олишган.

Мен уларни сизларга кўрсатаман, сизлар эса номларини айтасизлар (ҳамма ўйинчоқларни кўрсатади). Ҳамма ҳайвонлар уйчага яшириниб олганлар. Ҳозир улар қичқиради, сизлар масалан, нима қичқираётганини топасизлар. Онасими? Боласими? Тарбиячи ингичка овоз билан «чий-чий» деб чийиллайди ва «Бу нима?» деб сўрайди (сичқонча). Тўғри, бу сичқонча. Энди нима кишнайпти? (иии-иии), тўғри бу тойчоқ, отнинг боласи.

Ўйиннинг охирида тарбиячи болаларга ҳамма ҳайвон болаларини кўрсатади ва «Мана бизга кўп ҳайвон болалари келишди. Бу сичқоннинг боласи. Унинг номи нима? Бу отнинг боласи. Отнинг боласи нима? Бу эса мушукнинг боласи... мушукча. Унинг ... (қўзлари кўк). Мушукча сутни яхши кўради. У «миёв-миёв» деб миёвлайди. Ким мушукча ҳақида ҳикоя қилиб беришни ҳоҳлайди. (Тойча ҳақида, сичқонча ҳақида). Болаларнинг истаклари бўйича жавоблари.

Тарбиячи болаларга “I” товуши кўп учрайдиган сўзли шеърни ўқиб бериш билан машғулотни якунлаш мумкин.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси ҳайвонларнинг овоз чиқаришини машқ қилдик?

-От тойчоғини қандай чақирап экан?

-Сичқон қандай чийиллайди?

-Мушукча қандай миёвлайди?

-Автомобиль бурилганда қандай сигнал берар экан?

-Бу товушни нима қиласи?

(эшитамиз)

11-машғулот

Мавзу: Ўйинчоқ ҳақида қиска ҳикоя тузишга ўрганиш (тарбиячи ёрдамида).

Мақсад: Сурат мазмуни бўйича саволларга жавоб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

«M», «P», «B» товушларини сўзларда мустаҳкамлаш. Товушга тақлид қилишларини фарқлашга ўргатиш.

Таниш ҳайвонлар ва уларнинг болалари номларини, сифат ва ҳаракатларини ифодаловчи сўзлардан фойдаланишни мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячи ёрдамида ўйинчоқ ҳақида қиска ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

ўйинчоқлар: мушук, балиқ, ўрдакчалар, қуёнчалар, мушукчалар, Саида номли қўғирчоқ.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: дўконимиз очилди. Қаранглар-чи унда нималар сотилар экан?

Тўғри, дўконда ўйинчоқлар сотилади. Қандай ўйинчоқлар? (болалар айтиб берадилар). Келинглар, уларни кўриб чиқамиз.

Тарбиячи ҳар бир ўйинчоқни кўрсатади: Бу нима? мушук, у қандай миёвлайди? (умумий ва якка жавоблар). Мушукни эркалаб нима дейиши мумкин? (Мушукни мушукжон, мушукча, мушуквой). Мушукжон нимани ялашни яхши кўради (сутни). Ким мушук ҳақида сўзлаб беради?

Бу ... (мушук). У ... (пахмоқ, юмшоқ). Мушукнинг (кулоқлари бор, қулоқлари кичкина-кичкина), кўзлари қопқора. Мушукнинг думи ... (майин). Мушук ... (сутни, сут ялашни яхши кўради). У (миёв, миёв) деб миёвлайди.

Болалар айик, сичқон ҳақида ҳам ҳикоя қиласидилар.

Тетиклаштирувчи машқ.

Тарбиячи эчки, қўй овозига тақлид қилиб «Мэээ-мэээ», «бэээ-бэээ»

талаффуз қиласиди ва ниманинг овози эканлигини топишни буюради.

Эчки қандай маърайди? Қўй қандай барайди? деб сўрайди (умумий ва якка жавоблар).

«Ўйинчоқ дўкони» ўйини ўтказилади. Тарбиячи қўғирчоқ номидан болаларни аниқ номлардан фойдаланишга ундейди. Сенга қандай қуёнчани берай, оқиними ёки кулрангиними? каби. Тарбиячи болалар сотиб олган ўйинчоқларини қўғирчоқ Саидага совға қилишни таклиф қиласиди. Болалар унинг номини, у билан қандай ўйнашни айтиб, қўғирчоққа совға қиласидилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мушукни эркалаб қандай чақирамиз?

2. Ким мушук ҳақида сўзлаб беради?

12-Машғулот

Мавзу: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Тарбиячи билан биргаликда қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Идишларнинг номларини тўғри айтишга ва уларнинг вазифаларини тушунишга ўргатиш, шакар, конфет ва бошқа сўзлардан ҳосил бўлган сўзлар билан таништириш.
- «S» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш, бу сўзларда товушнинг бор-йўқлигини эшишиб аниқлашга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Күғирчоқлар (катта ва кичкина), коптоклар (катта ва кичкина), турли рангдаги иккита челакча (турли катталиқда ва рангда), сурнайча, құғирчоқ, иккита пиёла, иккита майда тақсимча. Чой қошиқлар, чойнак, шакардон, конфетдон, туздон, иккита катта құғирчоқ (үғил ва қиз бола).

Машғұлотнинг бориши

Тарбиячи қиз құғирчоқларни күрсатади. «Қаранглар, бу ким?» Бу құғирчоқ-Саида. Саида ўртоги Фарходни кутаяпти. Фарход мәхмон бўлиб келмоқчи. Улар чой ичишади. Саидага хонтахта тузашда ёрдам берамиз. Мана, хонтахта (күрсатади), мана бу эса дастурхон, чой ичиш учун хонтахтага нималар кўйиш керак?

(Болалар: чойнак, пиёла, қошиқлар ва бошқа идишларнинг номларини айтадилар).

Чой ичиш учун идишлар керак. Тарбиячи алоҳида тоғарага солиб қўйилган идишларни навбат билан олиб күрсатади. Уларнинг номларини сўрайди, айтишда қийналган болаларга ёрдам беради: «пиёла, чойнак, коса, майда ликопчалар, тақсимчалар, чой қошиқлар».

Майда ликопчалар нимага керак? (уларга сомса, печенье соладилар). Чой қошиқлар нима учун керак? (шакарни аралаштириш учун). Шакарни нимага соламиз? (шакардонга). Конфетларни нимага соламиз? (конфетдонга). Пиёла, чойнак, ликобча, шакардон, конфетдонни битта сўз билан нима дейиш мумкин? (идишлар).

Саида хонтахтани тузайди. Фарход келди ва кўрпачага ўтирди. Саида ва Фарход чой ича бошладилар. Улар чойни ичиб бўлдилар ва хонтахтадан чойни, идишларни йиғишириш бошладилар.

Келинглар уларга ёрдам берамиз. Азиза, пиёлаларни йиғишитир. Оқил, сен ҳам ёрдамлаш (болалар идишларни йиғиширадилар ва алоҳида буюмларнинг номини айтадилар).

Келинглар болалар, Фарход Саиданинг уйида қандай мәхмон бўлгани ҳақида сўзлаб берамиз.

Фарход.... Саиданинг уйига мәхмонга келди. Болалар биргалashiб чой ичдилар. Чой ... ширин ва иссиқ эди. Болалар чой ичиб бўлгач бирга ўйнадилар.

Ким Саида ҳақида Фарходга сўзлаб беради?

Фарход Саидага расмлар күрсатади. Саида “S” товушини алоҳида урғу билан талаффуз қилиб, расмларни номлайди.

-Бу нима?

Бу ссстол.

-Болалар, сссстол сўзида “S” товуши борми?

Бу сочиқ.

-Болалар, сссочиқ сўзида “S” товуши борми?

Шу тариқа болалар қолган расмларни ҳам номлайдилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ким мәхмонга кеолди?
2. Болалар столга қандай идишларни қўйдилар?
3. Болалар ликопчаларга нималар солдилар?

4. Ким Саида ҳақида сўзлаб беради?
5. Ким Фарход ҳақида сўзлаб беради?

13-машғулот

Мавзу: «Чанада учамиз» сурати бўйича тарбиячининг намунаси асосида ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад:

Сурат мазмуни бўйича саволларга жавоб беришга (chanada учаяпмиз), тарбиячининг намунаси бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Кийимларнинг номини, белгиларини (катталиги, ранги) мустаҳкамлаш, қарама-қарши маъноли сўзлардан фойдаланишга ўргатиш (иссик-совуқ, турди-йиқилди).
- «Т» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

«Чанада учамиз» сурати бўйича тарбиячининг намунаси асосида ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

«Чанада учамиз» сурати, ўйинчоқлар (катта айик, айикча, копток).

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи суратни кўрсатади ва сўрайди: Суратда қайси йил фасл тасвирланган? Нима учун сиз қиши деб ўйлайсиз? Суратда кимларни кўраяпсиз? (она ва болалар). Суратдаги онани кўрсатинг. Она нима кийиб олган? Иссик пальто, иссик қалпок, қишки этик. Ёзда иссик, қишида эса ... (совуқ). Ким чана тортиб кетяпти? (катта бола). Унинг исми ким? (Болалар исм ўйлаб топадилар, масалан, Анвар). Анвар катта бола. У қандай бола? Анвар қандай кийинган? Болалар кийимларини айтиб берадилар. Унинг калта пальтоси қанақа рангда? Суратда сиз яна кимларни кўраяпсиз? (қизча ва кичкина бола). Қизча – бу Анварнинг синглиси. Унинг исми нима? (Сайёра). Кичкина бола – у Анварнинг укаси. Укасининг исми нима? (Адҳам). Адҳам кичкина, Анвар эса ... (катта). Сайёра қандай кийинган? Адҳам қандай кийинган? Адҳамга нима бўлди? (йиқилиб тушди). Адҳам йиқилди, кейин эса ... (турди). Анварнинг укаси ва синглисини кўрсатинг, ҳозир мен сизларга қандай воқеа юз берганлигини сўзлаб бераман.

Тарбиячининг намуна ҳикояси.

Она ва болалар сайр қилиб юрардилар. Анвар синглиси Сайёрани ва кичик укаси Адҳамни чанада тортиб кетаётган эди. Адҳам ушлаб олмаганлиги учун йиқилиб тушди. Чанада фақат унинг оёғи қолди. Буни кўрган онаси «Анвар тўхта, Адҳам йиқилиб тушди», деб қичқирди. Адҳам эса йиғламади. Онаси Адҳамни чанага ўтказиб, «Опангнинг орқасидан ушлаб олсанг йиқилмайсан», дейди. Болалар нари кетадилар.

Кейин тарбиячи болаларни чақириб ҳикоя қилдиради (ёрдам беради).

«Кор отиш» ўйини.

Болалар доира бўлиб турадилар. «Кор отиш» ўйинини ўйнайдилар. «Кор олинг (болалар тиззаларини букмасдан эгиладилар), қор юмолоқчасини

ясанглар (болалар тўғриланадилар ва қор юмолоқча қиласидилар) ва уни отинг» дейди (болалар ва қорни аввал ўнг қўл билан, кейин чап қўл билан отадилар). Тарбиячилар столида копток. У «Бу нима?» деб сўрайди. Тўғри, бу копток. Болалар, коптокни ерга урсам, «тўп-тўп-тўп» деб овоз чиқаради. (Уриб кўрсатади). Қандай овоз чиқар экан? (умумий ва якка жавоблар). Ким коптокни ерга уради? Бола уради. Болалар овозига тақлид қиласидилар. (3-4 марта).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Суратда қайси йил фасл тасвиранган?
2. Суратда кимларни кўраяпсиз?
3. Она ҳақида гапириб беринг.
4. Ким чана тортиб кетяпти?
5. Анвар ҳақида ким гапириб беради?

14-машғулот

Мавзу: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Тарбиячи билан биргаликда қисқа ҳикоя тузиш малакасини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

- Алоҳида мебель буюмларининг номини тўғри айтишга ўргатиш. «Ичида», «устида», «орқасида» каби сўзларни қўллашни машқ қиласиди.
- «S» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш, сўз ва жумлаларни тўғри баландликда аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Кўргазмали жиҳозлар. Кўғирчоқ, хонтахта, курси, каравот, шкаф, ўйинчок ҳайвонлар, ўрдакчалар.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: «Бу уйда қизча Саида яшайди. Айтинглар-чи, уйда қандай буюмлар бор экан?» (стол, курси, карават, шкаф бор). Бу уйда яшайдиган қизнинг исми нима эди? деб сўрайди.

Тарбиячи қўғирчоқни курсига ўтқазади ва сўрайди: Саида қаерда ўтирибди? (Саида курсида ўтирибди). Сайданинг уйида кичкина ўрдакчалар, қуёнчалар, мушукчалар ҳам яшайди. Улар яширинишини жуда яхши кўрадилар. Саида уйдан чиқди, кичкинтойлар эса яшириндилар.

Тарбиячи навбат билан ўйинчоқларни яширади, болалар эса, улар яширинган жойнинг номини айтадилар: Мушукча стол тагига, битта қуёнча шкаф ичига, бошқаси стол устига, битта ўрдакча крават тагига, бошқаси курси орқасига яширинди каби. Саида уйга қайтиб кирди ва кичкинтойларнинг йўқлигини кўрди. У қаерга яширинибди? Пўлат сен кимни топасан? У қаерда ўтирибди? Болалар қўғирчоқни қўлларидан ушлаб навбат билан ҳайвончаларни ахтарадилар, уларнинг номларини ва улар қаердалигини айтадилар.

Ўйин машқи ўтқазилади. Қўғирчоқ Саида бошқаради, болалар қўлларини беркитадилар. «Яшириндингизми?». Қани-қани бизнинг қўлларимиз?

Бизнинг қўлларимиз? Қўлчаларимиз ўйнайди! қани, қани бизнинг оёқчаларимиз? Йўқ бизнинг оёқчаларимиз!

Мана-мана бизнинг оёқчаларимиз, ўйнайди бизнинг оёқчаларимиз! Қани, қани бизнинг болачаларимиз? Йўқ бизнинг болачаларимиз! (2 марта). Мана, мана бизнинг болачаларимиз ўйнаяптилар.

Тарбиячи болаларга ҳаракатни кўрсатади. Қўлларни орқага яшириш, кейин уларни кўрсатиш ва айлантириш. Оёқларини яшириш, кейин уларни тапирлатиш.

Тарбиячи: Саида чанқади, у сув ичмоқчи дейди ва қўғирчоққа пиёлада сув ичириб туриб «Саида нима қиласяпти?» (Саида сув ичаяпти). Жумла биринчи марта баланд, иккинчи марта секин талаффуз қилинади. Тарбиячи яна бир марта «СССаида, сссув ичаяпти» деб «S» товушини овоз билан ажратиб талаффуз қилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мушукча қаерга яширинди?
2. Ўрдакча қаерга яширинди?
3. Қуёнча қаерга яширинди?
4. Мушукчалар қаерга яшириндилар?
5. Қайтарамиз: «СССаида, сссув ичаяпти»

15-машғулот

Мавзу: Буюмларнинг сифати ва белгиларини (катталиги, ранги айтишга, саволларга тўғри жавоб беришга, ҳикоя тузишга ўргатиши.

Мақсад: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши.

Вазифалар:

- Отларни тушум келишигига (кўпликда) тўғри турлашга ўргатиши.
- «N» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

иккитадан қўғирчоқ (катта ва кичик матрёшка, минора), турли рангдаги Узунбурун, от, аргимчоқ, халтacha, ленталар.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи қўлида Тариқвой қўғирчоғини ушлаб, «Болалар, қаранглар, бизникига ким келди? Тўғри, бу Тариқвой. Тариқвой сехрли халтacha олиб келди. Тариқвой, халтачангда нима бор? У болаларга ўйинчоқлар олиб келдим деяпти, келинглар, Тариқвой халтачада қандай ўйинчоқлар олиб келганлигини кўрамиз. Болалар навбат билан ўйинчоқлар оладилар, номини айтадилар, тарбиячи билан биргаликда кўздан кечирадилар, саволларга жавоб берадилар ва ўйинчоқни стол устига қўядилар. Умумий ва якка жавоблар олинади. «Лола, бу нима?» (қўғирчоқ). Тўғри, бу қўғирчоқ. У қандай чиройли! Сенга ёқадими? Кел, қўғирчоқнинг кийимларини кўрамиз. (қўғирчоқнинг кийимлари номланади) Зоир, энди сен ўйинчоқ ол. Бу нима? (копток). Ҳа, бу копток. Коптокнинг қизил томонини кўрсат. Коптокнинг кўк томонини кўрсат. Коптокни стол устига қўй. Саида, қаранг-чи, халтачада яна копток бормикан? (бала коптокни олади ва олдингисининг ёнига қўяди. Саида, бу қандай копток экан? (кичкина). Бу-чи? (катта).

Тариқвой яна нима олиб келибди? Бу нима? (от, тойча). Бу отнинг нимаси? (оёқлари). Отнинг оёқлари қандай? (узун). Мана бу нима? (тарбиячи халтачадан гозларни олади ва «ға-ға-ға» деб талаффуз қилади). Тўғри, булар гозлар. Болалар, халтачада яна нима бор? Азиз, қара-чи, тасманинг ранги қандай? Назира, қара-чи халтачада яна нима бор экан? (қизча яна битта тасмани олади, уларни солиштирадилар). Биринчиси узун, иккинчиси қисқа. қаранглар, Тариқвой қанча ўйинчоқ олиб келибди? У қўғирчоқларни, минораларни, тасмаларни, отларни, ўрдакчаларни олиб келибди. Энди бирортангиз иккита ўйинчоқни танлаб оласиз ва улар ҳақида сўзлаб берасиз. (2-3 ҳикоя тузилади, зарур бўлса тарбиячи ёрдам беради).

Тетиклаштирувчи машқ.

«Отлар» ўйин машқи ўтказилади. Болалар от бўлишиб доира бўйлаб кетма-кет югурадилар, «иии-иии» деб кишинайдилар. Кейин тарбиячи машғулотни давом эттиради.

Тариқвой сиз билан ўйнашни ҳохляяпти. У ўйинчоқларни беркитади, (қўғирчоқ, коптоқ, ўрдак, хўрз, жўжа ва хокозо) сиз қайси ўйинчоқ йўқ бўлиб қолганини топасиз.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тариқвой халтачада қандай ўйинчоқлар олиб келди?
2. Ким қўғирчоқнинг кийимларини бирма бир айтиб беради?
3. Ким минора ҳақида сўзлаб беради?
4. Ким от ҳақида сўзлаб беради?
5. Ким тойча ҳақида сўзлаб беради?

16-машғулот

Мавзу: Тарбиячи билан биргаликда «Бўри ва эчки болалари» эртагини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

«S» товушини (алоҳида ва сўзда) тўғри ва аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

«Бўри ва эчки болалари» эртагига доир стол театри. Суратлар: сандик, коса, сомса, салла, атлас.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болаларга эртак сўзлаб беради. Кейин сўрайди: «Эчки ўрмонга нима учун кетар экан? (Барра ўтларни емоқ, тиник сувларни ичмоқ учун). Болалари – эчкичалар нима қилишар экан? (уйнинг эшигини маҳкам ёпиб олишар, ўзлари ҳеч қаёққа чиқишимас экан). Эчки уйига қайтиб келганда қандай қўшиқ айтар экан? (тарбиячи эчки қўшигини яна бир марта эслатади). Эчкининг қўшигини ким эшишиб қолди? (бўри). У қўшиқни қандай овоз билан айтди? (йўғон, жуда йўғон овозда). Эчкичалар бўрини уйларига киритишдими? (йўқ). Она эчки уйига қайтиб келганда нима деди? (биров йўғон овоз билан қўшиқ айтса эшикни очманглар, уйга киритманглар). Тарбиячи эртакни яна бир марта ҳикоя қилиб беради. Стол театридан фойдаланиб, болаларга бу эртакни ўйнашни тавсия этади.

Ўйин машқи ўтказилади. Эчки болаларини ўрмонга ўтлатгани олиб боради. Улар ўрмонда югурадилар, сакрайдилар, ўтларни, баргларни ейдилар. Она эчки «куйга» дейиши билан жойларига ўтирадилар.

Тарбиячи қуидаги сўз ўйинларини айтади, болалар эса биргаликда ва якка-якка такрорлайдилар: «са-са-са», «ариқдан сакра», «са-са-са» «мен едим сомса».

Тарбиячи болаларга суратларни навбат билан кўрсатади ва «косса, сссандик, сссават» сўзларида «S» товушини ажратиб, икки мартадан талаффуз қиласди. «Бу сўзларда қайси товушни мен қаттироқ айтдим?» деб сўрайди. Бу сўзларни такрорлашни таклиф қиласди (3-4 бола такрорлайди).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Эртакнинг номи нима экан?
2. Эчки ўрмонга нима учун кетар экан?
3. Эчки болалари – эчкичалар нима қилишар экан?
4. Эчки уйига қайтиб келганда қандай қўшиқ айтар экан?
5. Эчкининг қўшиғини ким эшитиб қолди?
6. У қўшиқни қандай овоз билан айтди?
7. Эчкичалар бўрини уйларига киритишдими?
8. Она эчки уйига қайтиб келганда нима деди?
9. Эртак қандай якунланди?

Январь

17-машғулот

Мавзу: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Тарбиячи билан шахсий тажрибадан қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Сифатларни фаоллаштириш.
- «S» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш. Болаларни товушни сўзларда эшитиш ва ажратишга, жумлаларни турли баландликда талаффуз қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқлар: кучук, мушук, айик, суратлар: сабзи, сават, тулки.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болаларга сабзининг суратини кўрсатиб, бу нима? деб сўрайди (жавоб). Тўғри, бу сабзи. Сабзининг ранги қандай? (жавоблар). Тулкининг суратини кўрсатади ва «Бу нима?» дейди. Тулкининг ранги қандай? Унинг думи қандай?

Тарбиячи болаларга ўйинчоқ кучукни кўрсатади ва сўрайди: Кучукнинг юнги қандай? (қора, сариқ). Кучук нима қилишни билади? (сакрайди, югуради).

Кимнинг уйида кучуги бор? У ҳақда сўзлаб беринг (3-4 болани чақиради).

Болалар сўзлаб берадилар, тарбиячи йўналтирувчи саволлар беради: Сенинг кучугинг каттами, кичкинами? Унинг оти нима? Сенинг кучукчанг нима қилишни билади?

Ҳозир мен сизга топшириқ бераман. Мен сўзлар айтаман, агар шу сўзлар «S» товушининг эшитсангиз, чапак чаласиз).

(Тарбиячи сўзларни секин, «S» товушини овоз билан ажратиб талаффуз қиласди: сссават, сссабзи, сссандик).

Ўйин машқи ўтказилади. «Учувчилар» ўз самолётларини турли йўналишда олиб юрадилар (катта доира қилиб кетма-кет югурадилар ва кейин самолётлар ерга қўнадилар).

Тарбиячи стол устига ўйинчоқ самолётни қўяди ва «Бу нима?» (самолёт).

Сўнгра болаларга шеър ўқиб беради.

Самолёт, самолёт,

Сени яхши кўрамиз.

Учиб ўтсанг осмондан,

Кувнаб қараб турамиз.

Тарбиячи шеърни яна бир марта ўқиб беради ва болаларга қаттиқ, секин, пичирлаб такрорлашни таклиф қиласди (умумий ва якка жавоблар).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тулки ҳақида ким гапириб беради?

2. Кучук ҳақида ким гапириб беради?

3. Мен сўзлар айтаман, агар шу сўзлар «S» товушининг эшитсангиз, чапак чалинг.

18-машғулот

Мавзу: Сурат асосида ҳикоя тузишга ўргатиш

Мақсад: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Суратда тасвирланган буюмларнинг номларини, унинг рангларини тўғри айтишга ўргатиш.

«G’» товушини тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

сурат «Троллейбус ва ўйинчоқлар» туркумидан.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи суратни кўрсатади. «Бу суратда нималарни кўряпсиз?» деб сўрайди. Айиқча, қуёнча, қўнғироқ, қўғирчоқлар. Бу нима? Бу қўғирчоқ, унинг исми Гулнора. Қўғирчоқнинг исми нима экан? Унинг кўйлагининг ранги қандай? Кўйлаги қизил рангда. Гулноранинг бошида қизил рўмол бор, қўғирчоқларнинг рўмоли бир хил рангдами? Биттасининг рўмоли қизил, бошқасиники кўк.

Бу нима? (троллейбус). Қуён ва кўк рўмолли қўғирчоқ қаерда ўтиришибди? (троллейбусда). Троллейбус ёнида кимлар турибди? (қўғирчоқ Гулнора, қизил рўмолли қўғирчоқ, айиқча). Айиқча қандай рангда. Айиқча қора рангда. Мана бу нима? Тарбиячи ҳикоя қилишни таклиф қиласди: Троллейбус келаётган эди. Унинг ичида қўғирчоқ ва қуён ўтиради. Троллейбус светофор яқинида тўхтади. Эшиклари очилганда троллейбусга қўғирчоқлар, айиқча чиқди. Троллейбус яна юриб кетди.

Кейин иккита болани чақириб ҳикояни такрорлашни таклиф этади (зарур бўлса саволлар билан ёрдам беради).

Сўнгра тарбиячи ғоз тасвиrlанган суратни кўрсатиб, «Бу нима?» (ғоз). У қандай қичқиради? (ға-ға-ға) деб сўрайди.

Ўйин. Тарбиячи она ғоз бўлади, болалар эса ғозчалар. Она ғоз «ға-ға-ға» деб ғозчаларни сайрга чақиряпти. Ғозчалар ҳам «ға-ға-ға» деб жавоб берадилар. ғозчалар сув ичмоқчи бўладилар, қўлмакни кўриб қолиб ўтирадилар ва сув ича бошладилар. Болалар ўтирадилар ва бошларини пастга туширадилар, кўтарадилар, харакат бир неча марта такрорланади. (ғозчалар сув ичиб бўлдилар ва уйга кетдилар).

Тарбиячи болаларга ғозлар ҳақида шеър ўқиб беради. Тарбиячи болаларга шеърни биргаликда айтишни таклиф қилади.

-Ғозлар бир сўз дейсизми?

-Ға-ға-ға!

-Тотли сули ейсизми?

-Ҳа-ҳа-ҳа.

-Нега патни силайсиз?

-Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

-Мендан нима тилайсиз?

-Боғ-боғ-боғ.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Кўғирчоқлар ҳақида ким гапириб беради?

- Қизил рўмолли қўғирчоқ ҳақида ким гапириб беради?

- Айиқча ҳақида ким гапириб беради?

- Она ғоз болаларини қандай чақиради?

19-машғулот

Мавзу: “Биз қушларни қандай овқатлантирамиз” жамоа

тажрибасида ҳикоя тузиш.“Қўлимизни иситамиз” ўйини

Мақсад: Кузатиш хотирасини ривожлантириш. Тарбиячининг ҳикоясини дикқат билан эшитиб, ҳикояга қўшилиш: сўз, жумларни қўшимча қилиш, тарбиячи бошланган жумлаларни тугатиш.

Вазифалар: “Х” товушини аниқ талаффуз қилишни машқ қилиш. “Х” товуш аниқ ва тўғри талаффуз этилишга эришиш.

Керакли жихозлар:

Қишки эрмаклар расм.

Машғулотнинг бориши

Ҳозир болалар қиши фасли. Ҳамма ёқни қор қоплаган. Биз кеча майдончага чиқиб қордан нималар қилдик? Белқурак билан қордан йўлакларни тозаладик. Қордан нималар ясадик? (қорбобо, қушча, коптокчалар). Дарахт тўнкасига ўрнатилган донхўракка нималар учиб келди? (қушлар) Биз донхурракка нима сепган эдик (дон, нон, увоқларини). Қушлар нима қилишди (чўқилади). Қушлар дон чўқилаб бўлгач, бизга қандай раҳмат айтишади? (Чирқ – чирқ - чирқ) деб айтишади.

Тетиклаштирувчи машқ.

Тарбиячи болаларга қиши эрмаклар суратни кўрсатади. Болалар суратга қаранг, болалар қорбобо ясад, қўлларга совуқ қотди. Келинглар уларнинг қўлларини иситамиз. Иситиш учун қўлга пулфлаймиз. Мана бундай (кўрсатади). Сўнгра болаларнинг ўзлари қўлларини иситишади. Аввал алоҳида – алоҳида, сўнгра ҳамма болалар биргаликда X товушини талаффуз этиб, қўлларини иситишади.

Ўйин билан машғулотни тугатиш мумкин.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Дараҳт тўнкасига ўрнатилган донхўракка нималар учиб келди?

- Биз донхурракка нима сепган эдик?

- Кушлар нима қилишди?

-Кушлар қандай чирқиллайди? (Чирқ – чирқ - чирқ)

20-машғулот

Мавзу: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад:

Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқлар ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш.

Сифатларни қўллашни фаоллаштириш. Отларни тушум келишигига бирлик ва кўплиқда ҳосил қилиш малакасини мустаҳкамлаш.

«х» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

ўйинчоқлардан, қайиқча, хўроз, олмахон, катталиги ва ранги хар хил бўлган жуфт буюмлар: тасмалар, чеълаклар, қўзиқоринлар, коптоклар.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, бизникига ўйинчоқлар меҳмонга келишди. Улар мана бу қайиқчада келишди. Келинглар, уни кўрамиз. Қайиқча қандай экан? (катта). Қайиқчанинг нимаси бор? (карнайи). Карнайдан нима чиқади? (тутун).

Қайиқча нималар билан безатилган? (байроқчалар билан). Ким қайиқча ҳақида сўзлаб беришни истайди? Қайиқча катта. Унинг карнайи бор.

Карнайдан тутун чиқади. Қайиқча байроқчалар билан безатилган. (1-2 бола ҳикоя қиласди). Қаранглар-чи, қайиқчада яна нималар бор? (хўроз). Ким хўроз ҳақида гапириб, унинг қизил тожиси ва чиройли думи ҳақида сўзлаб беради? У қу-қу-қуу деб қичқиради. (3-4 бола сўзлаб беради).

Қаранглар-чи бизга яна ким келди? Бу тулки. Тулки қандай? (юмшоқ, момиқ) Бу тулкининг нимаси? Тулкининг думи қандай? Ким тулки ҳақида гапиради? Шоира, сен тулки ҳақида гапирасанми? (Бу тулки. У момиқ ва юмшоқ).

Тулкининг думи бор. Думи узун, момиқкина. Тулки ўрмонда яшайди.)

Ўйин: ҳозир хўроз ўтиради, биз қуён билан ўрмонга сайр қилгани борамиз.

Ўрмон совуқ. Сизлар совуқ едингизми? Келинглар, исиниб оламиз. Аввал бир оёқда сакраймиз, кейин бошқасида сакраймиз, энди қўлингизни иситинг. Мана бундай (қўлларини оғзи олдига олиб келади ва «х» товушини талаффуз қиласди), болалар такрорлайдилар. Мана сайр ҳам тугади.

Машғулот давом этади. Тарбиячи дикқат билан тинглашни ва жавоб беришни таклиф этади. «Нима эрта туради?, қу-қу-куу деб қичқиради?» (хўрз). Дарёда сузадиган катта нарса нима? бу нима (кўрсатади: паразод). Ниманинг думи калта, юмшоқ, момиқ? (қўённинг).

Кейин тарбиячи хххўрз, ххххўтиқча, сўзларида «х» ҳарфини овоз билан ажратиб талаффуз қиласди. Бу сўзларда қайси товушни мен баландроқ айтдим? деб сўрайди. Хўтиқча, хўрз, сўзларини такрорлайди ва уларда «х» товуши борлигини айтади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Ким қайикча ҳақида сўзлаб беришни истайди?
- Ким қуён ҳақида сўзлаб беришни хоҳлади?
- Хххўрз, ххххўтиқча сўзларини қайтарамиз

Февраль

21-машғулот

Мавзу: Болаларни ўйинчоқлар ҳақида тасвирий ҳикоя тузишга (тарбиячи билан биргаликда) ўргатиш.

Мақсад: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Яхши таниш ҳайвонлар ва улар болаларининг ташқи кўриниши, ҳаракатларини ифодаловчи сўзлардан фойдаланишга ўргатиш.

- «Q», «G'», «K» товушларининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.
- Сўзларни баланд ва паст, тез ва секин талаффуз қилишга ўргатиш.
- “Сотувчи”, “Харидор” сўзларининг маъносини англашиб билан сўз бойликларини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Суратлар: товук, хўрз, мушук, гоз, қарға, ғалтак ва бошқалар, дўкон ўйини учун ўйинчоқлар.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи қўғирчоқни кўрсатади ва дейди: қаранглар, ким келди? (қўғирчоқ). Унинг исми Раъно. Раъно қандай экан? (чиройли, ясанган). Раънонинг сочи қандай экан? (қора). Узунми ёки калтами? Сиз қандай ўйлайсиз? Раъно нима учун ясаниб олган? (унинг туғилган куни). Ҳа, бугун Раънонинг туғилган куни. Биз унга совғалар ҳадя қиласмиш. Раъно ўйин ўйнашни яхши кўради. Унга ўйинчоқларни совға қилиш мумкин. Улар дўконда сотилади. Бу бизнинг дўконимиз (тарбиячи ўйинчоқлар қўйилган столни кўрсатади. қўғирчоқ бошқа столда ўтиради. Болалар сотиб олган ўйинчоқларни шу столга қўядилар). Мен сотувчи бўламан. Сотувчи нима қиласди? (Болалар жавоблари) Сизлар харидор (олувчи)лар бўласиз. Харидорлар нима қиласди? (Болалар жавоблари)

Дўкондан ўйинчоқларни олиш учун биргаликда у ҳақида сўзлаб беришимиш керак. У қандай, у билан нима қилиш мумкин? (Болалар навбат билан дўконга келадилар ва ёқкан ўйинчоқнинг номини айтадилар ва тарбиячи ёрдамида у ҳақида ҳикоя тузадилар). Бу ... (жўжа), У ... (сариқ, момиқ). Унинг кўзлари (қора) ва думлари (калта). У пи-пи-пи деб пишилайди.

Мен мушук сотиб олмоқчиман. Уни эркалаб мушукча дейиш мумкин. Мушук “мяу-мяу” деб миёвлайди.

Мен Раънога кучукча совға қиласман. Уоппоқ. Унинг қўзлари, бурни қора. Кучукча сакрашни, югуришни, ўйнашни яхши кўради.

Тетиклаштирувчи машқ. (Иҳтиёрий)

Кейин тарбиячи: Раъно сизлар учун суратлар тайёрлаб қўйибди (болаларга биттадан сурат беради) ва хозир Раъно сизга савол беради. Сизлар жавоб берасизлар. Сенинг суратингда нима тасвиirlанган? (хўroz). Сенинг суратингда-чи? (товуқ). Товуқ билан хўroz нимаси билан фарқ қиласми? (хўрознинг тожиси ва думи катта). Товуқ ўз жўжаларини қандай чақиради? (қо-қо-қо). Анвар, сенинг суратингда нима тасвиirlанган? (ғоз). У қандай қичкиради? (ға-ға-ға). Тарбиячи шеър ўқиди:
ғозлар-ғозлар, ға-ға-ға.

Овқат ейсизларми, ҳа-ҳа-ҳа.

Уларни аввал баланд ва паст овозда кейин тез ва секин такрорлаш тавсия этилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Кўғирчоқ Раъно ҳақида ким гапириб беради?
- Ўйинчоқ жўжа ҳақида ким гапириб беради?
- Ўйинчоқ мушукча ҳақида ким гапириб беради?
- Хўroz сурати ҳақида ким гапириб беради?
- Товуқ сурати ҳақида ким гапириб беради?

22-машғулот

Мавзу: Ўйинчоқларни тасвиirlашга ўргатиш.

Мақсад:

Болаларни ўйинчоқларни тасвиirlашга, тарбиячининг ёрдамида жавобларни бирлаштириб, қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш.

- Буюмларнинг белгиларини аниқлашда сифатлардан фойдаланишни фаоллаштириш.
- «Y», «YA», «YO», «YU» товушлари бор сўзларнинг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

турли катталиқдаги айиқча, тулки ўйинчоқлари, қуён, кўй расмлари.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи айиқчани кўрсатади ва «Бу нима?» деб сўрайди. Унга қаранглар ва айтинглар, унинг қўзлари қандай? (қопқора, ялтироқ). Айиқчанинг қулоқлари қандай? (думалоқ, кичкина). Унинг оёқлари қандай? (йўғон, пахмоқ). Бу айиқча қандай экан? Сўзлаб беринг (қора, катта, пахмоқ, юмшок). Унга «қоравой» деб исм қўйиш мумкин. Айиқчанинг исми нима экан? (қоравой). Азиза! Кел, биргаликда айиқча ҳақида сўзлаб берамиз. Бу ... (айиқча). У ... (катта, пахмоқ). Унинг қўзлари ... (ялтироқ), қулоқлари ... (думалоқ), қўллари ... (йўғон). Унинг исми ... (қоравой). 2-3 бола билан ҳикоя қилинади.

Айиқчанинг ўртоғи бор. Мана бу ... (тулкича). Тулкича қаерда яшайды? (ўрмонда). Унинг кўзлари қандай? (кичкина). Қулоқлари-чи? (ўткир, учли). Тулкичанинг думи қандай? (узун, момик). Тулкичага қандай ном қўйиш мумкин? (маллавой). Тулкича қандай экан? Қани ким гапириб беради?

Тарбиячи бир бола билан биргаликда айиқча ҳақидаги ҳикояга ўхшаш ҳикоя тузади. Зарур бўлиб қолса, жумланинг бошини айтиб беради. «Бу ...», «У ...», «Унинг ...».

Тетиклаштирувчи машқ. (Ихтиёрий)

Ўрмонда яна қандай ҳайвонлар яшайды? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: ўрмонда типратикан яшайди, деб сурат кўрсатади. Қайси дарахт ниначали? (Арча) Арча қандай рангда? Қишин ёзин бир хил кийимда. Бу арча. Бу-чи қандай ҳашорат? Бу чумоли. Чумоли қандай?

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Айиқчанинг исми нима экан?
- Айиқча ҳақида ким сўзлаб беради?
- Тулкича ҳақида ким сўзлаб беради?

23-машғулот

Мавзу: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Тарбиячи билан биргаликда ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Буюмларнинг алоҳида белгиларини, кийимлар номини тўғри айтишга ўргатиш.
- «F» товушини тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш. Уни чўзиб бир нафасда талаффуз қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: 2 та қиз ва битта ўғил бола қўғирчоқлар. қиз қўғирчоқлар устида турли рангдаги фартук, оёқларида туфли, бир нечта конфет (катта-кичик). Фил ўйинчоғи.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи қиз қўғирчоқлардан бирини кўрсатади ва бизга қўғирчоқ меҳмон бўлиб келди. Унинг исми Феруза, дейди. (2-3 болага қўғирчоқ исмини такрорлатади). Келинглар, Ферузанинг кийимларини кўрамиз. Бу нима? (фартук). Фартукнинг ранги қандай? (қизил). Ферузанинг оёқларида нималари бор? (туфлилари). Уларнинг ранги қандай? (ок). Феруза ўтирди ва бирдан эшикни кимdir тақиллатаётганини эшитди. (Фарида қўғирчоқ пайдо бўлди). Унинг исми нима экан? (2-3 болага исмини такрорлатади). Фарида ўртоғига ўйинчоқлар олиб келибди. Фарида нималар олиб келибди? (Филлар). Мана бу фил қандай? Бу фил катта. Унинг ранги қандай? (ок). Мана бу фил эса кичкина, унинг ранги қанақа? (кўк).

Қайтадан тақиллаган овоз эшитилади ва қўлларида конфетлар билан ўғил қўғирчоқ пайдо бўлади. Бу қўғирчоқнинг исми Фарход. Исми нима экан? (Фарход). (2-3 болага исмини такрорлатади). У нима олиб келибди?

Конфетлар. Конфетнинг биттаси ... (катта), бошқаси эса ... (кичкина). Келинглар, биргаликда қўғирчоқлар ҳақида сўзлаб берамиз.

Қўғирчоқ Фарҳод, Феруза ва Фариданинг олдига келди. У қизларга конфет берди. Конфетнинг биттаси ... (катта), бошқаси эса ... (кичкина). қизлар Фарҳод билан ўйнай бошлиши. Улар қайси ўйинчоқларни ўйнай бошладилар? (филларни). Улар аҳил, уришмасдан ўйнадилар.

Ўйин машқи: «Кафтчадаги қор парчалари» Тарбиячи ҳар бир боланинг кафтига кичкина пахта бўлагини қўйиб чиқади ва унга пуфлашни таклиф этади. Буни қандай бажаришни қўрсатади. Юқори тишлар билан пастки лаб устига қўйиб «ф» товушини чўзиб, узок талаффуз қилиш керак. Чўзиб, узок пуфлагандагина қор парчалари учиб кетишини тушунтиради. Болалар машқни бир неча марта такрорлайдилар.

Кейин тарбиячи болалар эътиборини яна қўғирчоққа қаратади. «Қўғирчоқларимиз ҳақида ким сўзлаб беради?» деб сўрайди. Навбат билан икки болани чакиради, жумлани бошлища ёрдам беради: «Бу қиз» (Феруза). Унинг олдига ўртоғи ... (Фарида) келди. У ўйинчоқ ... (филларни) олиб келди. Филнинг биттаси ... (катта, оқ) бошқаси эса (кичкина, қизил). Қизлар олдига ... (Фарҳод) келди. У конфетлар олиб келди. Битта конфетни Фарҳод Ферузага, бошқасини эса Фаридага берди. Болалар уришмасдан ўйнадилар. Тарбиячи ФФФарида, ФФФеруза, ФФФарҳод, ФФФил, конффет, фффартук деб «ф» товушини овоз билан ажратиб талаффуз қиласди. Бу сўзларда мен қайси товушни баландроқ айтдим? деб сўрайди («ф» товушини).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Қўғирчоқ Феруза ҳақида ким гапиради?
- Фарида қўғирчоқ ҳақида ким гапиради?
- Қўғирчоқ Фарҳод ҳақида ким гапиради?
- мен қайси товушни баландроқ айтяпман: ФФФарида, ФФФеруза, ФФФарҳод, ФФФил, конффет, фффартук.

24-машғулот

Мавзу: “Мушук ва мушукчалар” сурати устида сұхбат

Мақсад: Тарбиячининг саволларига жавоб беришга, буюмларни тасвирлашга, катталар ёрдамида сурат бўйича қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Сифат ва феъллардан фойдаланишни фаоллаштириш.
- «Z» товушини сўзда, гапда аник ва тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: мушук болалари билан, уй ҳайвонлари сериясидан, кўзача, узум, хўрор расмлари.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи суратни қўрсатади ва кўриб олишни таклиф этади. Кейин саволлар беради: «Суратда ниманинг расми ишланган?» (мушук ва мушукчалар).

Тўғри бу мушук. Мана унинг мушукчалари бор. Мушук нима қиласди?

Мушукнинг оёқлари қандай рангда? Мушукнинг бошида нима бор? Юзида-

чи? Кулранг мушукча нима қиляпти? Мана бу мушукчанинг ранги қандай? (малла мушукчани кўрсатади). У оёғи билан нима думалатаяпти? Ипнинг ранги қандай? (ҳамма саволларга шошмасдан жавоб олиш керак). Ҳозир биз Ақида билан бирга мушук ва унинг болалари ҳақида сўзлаб берамиз: «мош мушукнинг ... (мушукчалари) бор. У гиламчада ётибди ва мушукчаларига қарайапти. Кулранг мушукча тақсимчадаги сутни яляяпти. Малла мушукча ... (ипни думалатаяпти). Қора мушукча ... (ухляяпти). Яна ким мушук ва мушукчалар ҳақида сўзлаб беради? (3-4 бола жавоб беради).

Ўйин. Тарбиячи она мушук ва мушукчалар ўйинини ўйнашни таклиф қиласди. Мушукчалар уйғондилар, кўллари билан юзларини ювадилар, югурадилар ва сакрайдилар.

Тарбиячи қўлига қўзачани (ёки расмини) олади. ва «за-за-за, қўлимда кўза» дейди. (болалар биргаликда ва якка тақрорлайдилар).

Сўнгра тарбиячи қуидаги сўзларни тинглашни таклиф этади: кўззза, уззум, хўрорзз. Бу сўзларда қайси товушни қаттиқ айтдим («з» товушини) бу сўзларни «з» товушини яхши эшитиладиган қилиб айтинг: кўззза, уззум, хўрорзз (умумий ва якка жавоблар).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Суратга қандай ном қўйдик?
- Кулранг мушукча нима қиляпти?
- Малла мушукча нима қиляпти?
- Мушук ва унинг болалари ҳақида ким сўзлаб беради?

Март

25-машғулот

Мавзу: Буюмни тасвирлашни ўргатиш.

Мақсад: Буюмни тасвирлашни ўргатиш.

Вазифалар:

- Отларни, сифатларни, олмошларни сонда тўғри мослашни машқ қилдириш. Сифатлардан фойдаланишни фаоллаштириш.
- «V» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш. Уларни бир нафасда чўзиб узоқ талаффуз этишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Кўргазмали қуроллар. Ўйинчоқлар: қуёнча, сабзи, бодиринг, олма, помидор, халтacha.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Бугун боғчага келаётганимда йўлда қуённи учратиб қолдим, у сизларнинг олдингизга меҳмон бўлиб келаётган экан. Мана у (кўрсатади).


Кичкина қуённи эркалаб нима деб аташ мумкин? (куёнча, қуёнжон, қуёнвой). Бу қуённинг нимаси? (кулоқлари). Унинг қулоқлари қанақа? (узун). Бу нима? (думи). Қуённинг думи қанақа? (калта). Қуённинг қулоқлари узун, думи калта. Қуён нима қилишни билади? (сакрашни, думалашни, югуришни, сабzinи кемиришни).

Күён қандайдир халтача олиб келибди. (күрстади). Унда бирор нарса борга ўхшайди. Қызик, халтачада нима бор экан? (қўлини халтачага солиб, сабзини олди). Бу нима? (сабзи). У қандай? (узун, қизил). Тарбиячи сабзини стол устига қўяди ва халтачадан бошқа сабзавот ва меваларни олади ва сўрайди: Бу нима? (помидор). Помидор қандай? (катта, думалоқ, қизил, помирдори полизда ўсади.). Бу нима? (олма). Олма қандай? (катта, думалоқ, қизил, олма дараҳтда ўсади). Бу нима? (бодринг). Қандай бодиинг? (узун бодиинг, яшил). Болалар такрорлайдилар.

Сабзи, бодиинг, помидор-булар сабзавотлар: олма, нок, шафтоли-бу мевалар. Тарбиячи сабзавотларни бир идишга, меваларни бошқа идишга солади. Уларнинг номларини болаларга такрорлатади.

Тарбиячи болалар сабзовот, мевалар ҳақида гап тузишга қийналсалар шаклдаги белгиларга қараб гап тузишни таклиф қилиши мумкин.

1. Расмни кўриб чиқ, у ҳақида жадвал ёрдамида гапириб бер.



Ўйин. Болалар икки гурухга бўлинадилар. Бир гурухдаги болалар қучли эсаётган шамолдан совуқ еб исиниш учун сакраётган қуёнчаларни тасвирлайдилар, иккинчи гурухдаги болалар эса катталар билан биргаликда шамолни тасвирлаб «ууу-ууу-ууу» товушини талаффуз қиласдилар. Кейин болалар ўрин алмашадилар.

Тарбиячи: қуёнча сизлар билан ўйнамоқчи (у халтачадан буюмларни кўрсатмасдан олади ва ҳар бири ҳақида гапириб беради). Сиз эса унинг қўлида нима борлигини топишингиз керак.

Диққат билан тингланг:

1. Ўзи узунчоқ, ранги қизил. Бу нима?
2. Ўзи узунчоқ, ранги яшил. Бу нима?
3. Ўзи думалоқ, ранги қизил. Бу нима?
4. Ўзи думалоқ, ранги сариқ. Бу нима?

Буюмларнинг номи айтилгандан кейин болалардан биттаси олдига келиб буюмни олади ва у ҳақида сўзлаб беради. Бу сабзи, у узунчоқ, қизил. Агар жавоб тўлиқ бўлмаса, тарбиячи болага ёрдам беради.

Агар бола жавоб берганда адашса (масалан, олма ўрнига помидор деса), қуёнча топишмоқни такрорлайди.

Қуён номидан тарбиячи қуйидаги товуш бирикмаларини 2 марта такрорлайди: Ва-ва-ва кўчага келди арава, ва-ва-ва аравага қўнди сава. (Болалар бирга ва якка такрорлайдилар).

Тарбиячи «араввва», «саввва» сўзларини талафғуз қилиб «V» товушини овоз билан ажратади. Бу сўзларда қайси товушни баланд айтганини сўрайди.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Кичкина қуённи эркалаб нима деб аташ мумкин?
- Бу нима? (сабзи) У қандай?
- Бу нима? (бодринг) У қандай?
- Бу нима? (помидор) У қандай?
- Бу нима? (олма) У қандай?
- Сабзи, бодиринг, помидор-бу....
- Олма, нок, шафтоли-бу...
- «араввва», «саввва» сўзларини такрорланг.

26-машғулот

Мавзу: Болаларни «Бўғирсоқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Мақсад: Болаларга эртакни тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

“ча” қўшимчаси ёрдамида ясалган сўзларнинг маъносини тушунтириш. Предметларнинг номини тўғри айтишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларни «Бўғирсоқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

«Бўғирсоқ» стол театри, ўйинчоқлар: мушук, мушукча, кучук-кучукча, китоб-китобча, машина....

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи эртакни стол театри орқали сахналаштириб болалар билан биргаликда 2 марта ҳикоя қиласади. Кейин тарбиячи стол театри персонажларини тарқатади ва эртакни яна бир марта ҳикоя қилишни таклиф

этади. Уни ўзи бошлайди. Давомини болалар мустақил ҳикоя қиласидилар, (биринчи бола «Бўғирсоқ қуёнчани учратибди» сўзигача, иккинчиси «Бўғирсоқ мен сени ейман»- дебди қуён деб айтади ва ҳ.к.).

Тетиклаштирувчи машқ.(Ихтиёрий)

Тарбиячи: болалар. қуён, айик, бўрилар бўғирсоқни кўрганда нима дедилар? “Бўғирсоқ, бўғирсоқ! Мен сени ейман”

Айёр тулки-чи у бўғирсоқни кўрганда нима деди? “Салом бўғирсоқ! Қандай юмалоқ, чиройли, қип-қизилсан-а!” Тулки бўғирсоқни мақтаб алдади. Бўғирсоқ уни алдаётганини пайқамади. Бўғирсоқнинг саёхати ачинарли тугади. Қандай тугади? (Тулки уни “хап” этиб еб қўйибди.) Тарбиячи: Болалар ҳозир “Сўзлар” ўйинини ўйнаймиз. Мен бир сўз айтаман, сиз кичрайтириб айтасиз. (уй-уйча, мушук-мушукча, кучук-кучукча, китоб-китобча....

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Эртакнинг номи нима экан?

-«Бўғирсоқ кимларни учратибди?

-Қуён, айик, бўрилар бўғирсоқни кўрганда нима дедилар?

- Айёр тулки-чи у бўғирсоқни кўрганда нима деди?

- Бўғирсоқнинг саёхати қандай тугади?

-“Сўзлар” ўйинини такрорлаймиз: уй-уй..., мушук-мушук..., кучук-кучук..., китоб-китоб....

27-машғулот

Мавзу: Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш

Мақсад: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Буюмларни, уларнинг сифатлари, улар билан қилинадиган ҳаракатларни тўғри номлашга «катта, кичкина» сифатларидан фойдаланиб, буюмларни солиширишга ўргатиш.
- «D» товушини тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Қўғирчоқлар (катта ва кичкина), коптоклар (катта ва кичкина), турли рангдаги иккита челакча (турли катталиқда ва рангда) сурнайча, қўғирчоқ.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи қўғирчоқларни кўрсатади ва бундай дейди: қаранглар-чи, машғулотимизга кимлар келди? Бу қўғирчоқнинг исми Доно. У каттами ёки кичкинами? Гули, қўғирчоқнинг кийимлари қандай? Нималар кийиб олибди? Гапириб бер-чи. (Тарбиячи саволлар билан ёрдам беради). Шоира, сен кичкина қўғирчоқни кўрсат. Унинг исми Раъно. У қандай? (чиройли, ясанган). Унинг устидаги кўйлагининг ранги қандай? Сочларининг ранги-чи? Қўғирчоқлар билан қандай ўйинлар ўйнашингизни сўзлаб беринг. (кийинтирамиз, овқатлантирамиз, ухлатамиз, ўзимиз билан сайдга олиб чиқамиз). Қўғирчоқлар ҳақида яна бир-икки бола сўзлаб беради. Кейин

тарбиячи давом эттиради: Доно ва Раъно қўғирчоқлар бирга ўйнайдилар ва сайрга чиқадилар. Доно коптокларини олиб чиқди. Бу қандай копток? (катта). Унинг ранги қандай? Бу қандай копток? (кичкина). Унинг ранги қандай? Сиз коптотни нима қиласиз? (ўйнаймиз, думалатамиз, отамиз, илиб оламиз). Ким коптотклар ҳақида сўзлаб беради?

Болалар жавобини тинглаб бўлгандан сўнг тарбиячи яна давом эттиради. Раъно сайрга иккита челакча олиб чиқди: биттаси ... (катта, қизил) бошқаси (кичкина, кўк). Челакча билан қандай ўйинлар ўйнаш мумкин. Ким челакча ҳақида сўзлаб бермоқчи? Бу ... (челак). У ... (катта, қизил). Мен челакка ... (кум, кор) соламан.

Баракалла, сизлар Доно коптотклар билан, Раъно челакчалар билан ўйнаганликларини гапириб бердинглар. Доно кўчада ўйнаб бўлиб уйга келди. Стол устида бир нарса ётганини кўрди (доирани кўрсатади). Бу нима? (доира). Ҳозир Доно доирани чалади.

Қўғирчоқ Раъно ҳам стол устидан бир нарса топиб олди. Бу нима? (дазмол). Болалар, қаранглар-чи, менинг столимда қандай ўйинчоқлар бор? (доира, дазмол, ўрдак, поезд, пароход, диван). Доно сизлар билан ўйнамоқчи. Доно ўйинчоқни яширади, сизлар эса қайси ўйинчоқни яширгагини топасиз. (ўйин уч марта такрорланади).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Бугун машғулотимизга кимлар келди?
- Бу қўғирчоқнинг исми нима?
- Қўғирчоқнинг кийимлари қандай?
- Қўғирчоқ Раъононинг кийимлари қандай?
- Бу қандай копток?
- Челакча билан қандай ўйинлар ўйнаш мумкин?
- Ким челакча ҳақида сўзлаб бермоқчи?

28-машғулот

Мавзу: “Икки эчки” ўзбек халқ эртаги асосида қайта ҳикоя қилишни машқ қилиш

Мақсад:

Асарни қайта ҳикоя қилиб беришга ўргатишни давом этиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш.Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Ўхшаш маъноли сўзлар топиш.Берилган сўзга гап туза олиш кўникма ва малакаларини ўстириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади.Болаларда ижодий, мустақил фикрлаш ва буни нутқда ифодалаш кўникма ҳамда малакалари шаклланади. Унли товушни қандай талаффуз этилишини машқ қиладилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳайвонлар тасвири

Эртакни саҳналаштириш учун лиbosлар

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: "Бугун болалар, мен сизга иккита ўжар эчки ҳақидаги эртакни ўқиб бераман.

(Тарбиячи эртакни ўқиб беради).

Эртак бўйича саволлар:

1. Кунлардан бир куни қандай воқеа юз берибди?
 2. Эчкilar нима қилишибди?
 3. Эчки қандай қилиб дўқ қилибди? Оҳангини келтириб айтиб беринг.
 4. Иккинchi эчки қандай дўқ билан жавоб берибди?
- Оҳангини келтириб айтиб беринг.
5. Эчкilar учрашуви нима билан тугабди?
- Энди ким эртакни бошидан қайта ҳикоя қилиб беради?
(3-4 бола жавоблари).

Бармоқлар машқи.

Тарбиячи болалар билан бармоқлар машқини ўтказади. Бунинг учун болалар икки гурухга бўлиниб турадилар, тарбиячи шеърни ўқиб туради ва болалар ҳаракатни бажарадилар.

Шоҳдор эчки

Шоҳдор эчки келмоқда,
Болаларни қўрмоқчи.
Ким ичмаса сутини,
Ким емаса ошини,
Сузиб олади уни.



Қўлнинг кўрсаткич бармоғи ва жимжилогидан бошқалари букилган. Бу - "эчки". "Сузиб олади уни" қатори айтилганда, болалар бир- бирларига қараб бармоқларини қимирлатадилар.

Эртакни саҳналаштириш. (бармоқ, соя, пахмок, қўғирчоқ театри бўлиши мумкин)

Тарбиячи машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

Кунлардан бир куни қандай воқеа юз берибди?

2. Эчкilar нима қилишибди?
3. Эчки қандай қилиб дўқ қилибди?
4. Иккинchi эчки қандай дўқ билан жавоб берибди?
5. Эчкilar учрашуви нима билан тугабди?
6. Энди ким эртакни бошидан қайта ҳикоя қилиб беради?

29-машғулот

Мавзу: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Тарбиячи билан биргаликда ва мустақил ҳикоя тузишга ўргатиш.

- Қарама-қарши маъноли сўзларни қўллашга ўргатиш, сифат ва отларни талаффуз қилишни фаоллаштириш.

- «F», «V» товушларининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш. Уларни сўзларда эшита билишга, овоз билан ажратишга, овоз кучидан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

қўргазмали қуроллар: иккита қиз ва битта ўғил бола қўғирчоқлар, иккита фил ўйинчоғи, иккита конфет, суратлар, варрак, верталёт, вагон, ваза.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячининг столида ўйинчоқлар, қўғирчоқлар Феруза, Фотима ва Фарҳод. Фотимада филлар, Фарҳодда эса конфетлар бор.

Тарбиячи: бу қўғирчоқлар сизга танишми? Бу ким? (ўғил бола Фарҳод, қизлар Феруза ва Фотима). Ким филларни олиб келди? (Фотима).

Конфетларни-чи? (Фарҳод). Ким Феруза, Фотима, Фарҳодлар ҳақида сўзлаб беради? Агар болалар қийналиб қолишиша, тарбиячи жумланинг бошини айтиб беради: бу қизлар ... Унинг исми ... Феруза, Ферузанинг олдига ўртоғи Фотима келди. У ўйинчоқ филларни олиб келди.

Феруза билан Фотимани олдига Фарҳод келди. Фарҳод конфетлар олиб келди. Яна Феруза болаларга олмалар ҳам олиб келди. Олмаларни вазага солиб қўйдилар. Эшитинглар-чи, мен ваза сўзини қандай айтаяпман.

«Вваза» (2 марта такрорлайди). Бу сўзда қайси товуш қаттиқроқ (баландроқ) эшитилаяпти? Ким «в» товушини (баландроқ) қаттиқроқ эшиттириб, бу сўзни айтади? (икки-уч бола такрорлайди).

Энди эса бошқа сўзларни эшитинглар: ФФФеруза, ФФФотима, ФФФарҳод. «Феруза» сўзида қайси товуш баландроқ (қаттиқроқ) эшитилаяпти? Ким бу сўзни «ф» товуши қаттиқроқ эшитиладиган қилиб айтади? Қаранглар-чи, Фарҳод сизлар учун нималар олиб келди? (суратларни кўрсатади).

Майда ва йирик суратлар. Ҳозир мен уларни сизларга бераман (болаларга тарқатади). Менда ҳам сурат бор (кўрсатади). Бу нима? (варрак).

Эшитинглар, мен бу сўзни қандай айтаман: «ввваррак» («в» товушини баланд овоз билан ажратади).

Қаранглар-чи, сизнинг суратларингизда ниманинг расми чизилган?

Суратларингиздаги нарсанинг номини айтинг, бунда «в» товушини қаттиқроқ (баландроқ), узокроқ талаффуз этинг (вввертолёт, вввагон). Бу суратда нимани қўраяпсиз? (вагон). У қандай? (катта, яшил рангда). Бу нима? – вертолёт. У қандай? Катта, қизил ва бошқалар. Қайси исмларда «в» товушини эшитяпсиз? (Сарвар, Вазира, Вали, Васила, Воҳид ва б.).

Ўйин машқи ўтказилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Ким Феруза, Фотима, Фарҳодлар ҳақида сўзлаб беради?

- Фарҳод сизларга қандай суратлар олиб келди?

-Қайтарамиз: Сарвар, Вазира, Вали, Васила, Воҳид, вагон, варрак, верталёт.

Мавзу: Болаларни «Курк товуқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Мақсад: Болаларга эртакни тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Китобдаги расмларга қараб бадий асарнинг мазмунини гапириб беришга ўргатиш.

Вазифалар: Расмга қараб, сўз бирикмалари, 2-3та сўздан иборат гап тузалишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларни «Курк товуқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар. Китобдаги расмларга қараб бадий асарнинг мазмунини гапириб бера оладилар.

Керакли жиҳозлар:

«Курк товуқ» стол театри, ўйинчоқлар: мушук, мушукча, кучук-кучукча, китоб-китобча, машина....

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: болалар, қандай товуқларни кўргансиз? Товуқлар қандай рангда бўлладилар? (оқ, қора, олачипор...) Бугун мен сизга бир товуқ ҳақида эртак айтиб бераман. Эртагимнинг номи “Курк товуқ”. Диққат билан эшитинг.

Тарбиячи эртакни стол театри орқали саҳналаштириб болалар билан биргаликда икки марта ҳикоя қиласди. Кейин тарбиячи стол театри персонажларини тарқатади ва эртакни яна бир марта ҳикоя қилишни таклиф этади. Уни ўзи бошлайди. Давомини болалар мустақил ҳикоя қиласдилар.

Бир бор экан, бир йўқ экан.....(Чол билан кампир бор экан)

Уларнинг чипор(товуғи бор экан)

Кунлардан бир кун товуқ... (тилла тухум қилибди)

Чол уриб-уриб... (синдира олмабди)

Кампир ҳам.... (уриб-уриб синдира олмабди)
Сичқонча қочаман деб, думи билан ... (уриб юборган экан, тухум ерга тушуб синибди)

Бундан хафа бўлиб чол йиғлабди....(кампир йиғлабди)

Товуқ эса қақалабди: йиғламанг, бобожон....(йиғламанг, бувижон. Мен сизга бошқача, тилла тухум эмас, оддий тухум қилиб бераман)

Тарбиячи ўйинчоқ товуқни кўрсатади. Эртак қандай тугади?-деган саволни беради.

Тарбиячи “Йиғламанг, бобожон, йиғламанг, бувижон. Мен сизга бошқача, тилла тухум эмас, оддий тухум қилиб бераман” деган матнни 4-5 та болага тақрорлатиб, машғулотни яқунлайди.

Тетиклаштирувчи машқ.(Ихтиёрий)

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Эртакнинг номи нима экан?

-Товуқ қандай тухум қилди?

- Чол уриб-уриб тухумни синдира олдими?

- Кампир уриб-уриб тухумни синдира олдими?

-Тухум қандай қилиб синиб қолди?

- Чол ва кампир нега хафа бўлишди?

Товуқ чол ва кампирга нима деди?

31-машғулот

Мавзу: Тарбиячи ёрдамида кичик ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад:

Кичик ҳикоя тузишга (тарбиячи ёрдамида), саволларга жумла билан жавоб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Кийимларнинг, бажарилаётган ҳаракатларнинг номларини тўғри айтишга ўргатиш.

«Р» товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш, болаларни сўзларни аник, баланд овозда талаффуз қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Кичик ҳикоя тузишга (тарбиячи ёрдамида), саволларга жумла билан жавоб беришга

ўрганадилар.

Керакли жихозлар:

Қўғирчоқ ва унинг учун кийимлар (палто, пайпок, қўлқоп, шим, кўйлак, этик). Ўғил бола қўғирчоқ, унинг пальтоси, пайпоги, суратлари.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: (болаларга қўғирчоқни кўрсатади) Бугун машғулотимизга қўғирчоқ Наргиза келди. Ким қўғирчоқ Наргиза ҳақида сўзлаб беради?

(У чиройли. Унинг кўк куйлаги, оқ пайпоги, қизил туфлиси бор. Қўғирчоқ Наргизага боғчада нималар қилишингизни гапириб беринг. (Боғчамиз жуда яхши. Эрталаб боғчага келиб бадантарбия қиласиз. Кейин нонушта қиласиз. Кейин машғулот ўтамиз, ўйнаймиз) Ҳозир нима қиляпсизлар? (машғулот ўтаяпмиз). Тўғри, машғулотдан сўнг сайрга чиқамиз. Машғулотдан кейин биз сайрга чиқамиз. Наргиза ҳам биз билан сайрга чиқишни хоҳлаяпти.

Наргизанинг кийинишига ёрдам берасизми?-деб қўғирчоқни болалар билан биргаликда кийинтиради. Болалар диққатини кийимларнинг номини, рангини тўғри талаффуз этишларига қаратади. «Биз қўғирчоқка нима кийдирганимизни сўзлаб беринг (болалар айтиб берадилар). Биз кийимларни кийдирдик. Шим, кўйлак, пальто – бу кийим». Наргиза сайрга кетди.

Тетиклаштирувчи машқ.

Тарбиячи: Келинглар болалар биз ўзимизни сайрга чиқаётгандек тасаввур қиласиз. Кийимларимизни киямиз: жемфирни киямиз, қолпоқни киямиз, пальто, қўлқопни киямиз. Кийимларимизни кийиб олдик. Сайр қиласиз.

Совуқ едик, сакраймиз, оёқларимизни тапиллатамиз, қўлларимиз билан чапак соламиз. Уйга қайтамиз.

Машғулот давом этади.

Ўғил бола-қўғирчоқ пайдо бўлади. Ассалому алайкум, болалар! Менинг исмим нима? Сиз биласизми? Ҳа, мен Пўлатман. Мен қувноқ боламан. Мен билан ўйнайсизларми? Мен сизларга расмлар кўрсатаман. Сизлар унда нима чизилганини айтасиз (суратларни кўрсатади, болалар жавоб берадилар).

Энди бошқача ўйнаймиз. Сиз менга нарсаларнинг номини айтасиз, мен сизга нарсани кўрсатаман. Фақат мендан мана бундай мулойим сўраш керак:

Пўлат, илтимос пальтони кўрсат. Пўлат, илтимос қўлқопни кўрсат. (Машқ бир неча марта такрорланади).

Кейин тарбиячи болаларга қуидаги сўзларни тинглашни таклиф этади: «ппальто», «ппайпок», «ппиёла» ва бошқалар. Бу сўзларда “Р” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Қўғирчоқ Наргиза ҳақида ким гапиради?
- Биз қўғирчоқка нима кийдирганимизни сўзлаб беринг
- Қайтарамиз: «ппальто», «ппайпок», «ппиёла»

32-машғулот

Мавзу: “Болалар балиқни овқатлантиряптилар” сурати устида сухбат

Мақсад: Болаларга балиқни кузатишни ўргатиш кузатиш давомида балиқнинг алоҳида белгиларини, ҳаракатларни қайд этиш (думи билан ҳаракат қиласи, озиқни ютади, сузади).

Вазифалар:

- кузатиш вақтида тартибни сақлаш (шовқин қилмаслик, аквариум деворларига тақиллатмаслик).
- Болаларга суръат мазмуни тушунишларига ёрдам бериш сурат мазмуни асосида савобларга жавоб беришга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Болалар балиқни овқатлантиряптилар” сурати

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болаларга балиқни кузатишни таклиф этади. Тарбиячи болаларга кузатиш вақтида аквариумга яқин бормаслик, деворларига қўл теккизмаслик ёки деворларини тақиллатмасликни таъкидлайди. Болалар бундай ҳаракатлар балиқларни чўчитиб юбориш мумкинлигини тушунтиради.

Тарбиячи болаларга балиқни кузатиб, уларнинг нима қилаётганлари ҳақида секин, паст овозда гапириб беришларини сўрайди. Тарбиячи болаларнинг жавобларини тўлдиради ва умумлаштиради. Болалар нутқини қуидаги сўзлар билан фаоллаштириш: ойнаси, аквариум, сузяпти, озиқни оғзи билан ютапти, балиқнинг думи уларга сузишга ёрдам беради.

Тарбиячи балиқларга озиқа беради. Болалар балиқларнинг қандай озиқланишини кузатадилар. Сўнгра болалар аквариумга орқа ўгириб оладилар. Тарбиячи уларга “Болалар балиқларни овқатлантиряптилар” номли суратини кўрсатадилар ва сурат асосида сўзлаб беради. Сўнгра сурат асосида савол жавоб ўтказади.

Болалар нима қилаяпти? (балиқни овқатлантиряптилар)

Балиқлар қаерда яшайдилар?

Улар қанча (кўп)

Балиқ қандай овқатланяпти?

Тарбиячи болаларни жавобларини умумлаштириб сухбатни якунлайди.

Болаларга балиқни овқатлантиришни унутмаслик кераклиги уқтирган ҳолда сухбатни якунлайди.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Аквариумдаги балиқлар ҳақида ким гапиради?
- Сурат қандай номланган?
- Болалар нима қиласыптилар?
- Балиқ қандай овқатланяпты?

Май

33-машғулот

Мавзу: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши.

Мақсад: Сурат бўйича қисқа ҳикоя тузиш малакаларини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

- «S», «Sh» товушларининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш. Нутқ суръатини бошқаришга ўргатиши.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: қўғирчоқ-қизиқчи (масхарабоз) ҳар бир болага номларида «S», «Sh» товуши бўлган ҳайвонлар ва нарсалар тасвирланган суратлар (сочиқ, соат, сабзи, автобус, гилос, шер, шолғом, шофтоли, тошбақа, қуёш) кабилар берилади.

Машғулотнинг бориши

Қўғирчоқ масхарабоз (қизиқчи) пайдо бўлади: Салом болалар! Сизлар мени танидингизми? Ҳа мен қизиқчи масхарабозман. Мен сизлар билан ўйнагани келдим. Мен топишмоқ айтаман, топасизларми?

Чопса чопилмайди, кўмса кўмилмайди (соя).

Қаноти йўқ учади,

Оёғи йўқ қочади. (Шамол)

Пўстлари туклигина, мазаси тотлигина (Шафтоли)

Баракалла, менинг топишмоқларимни топдингиз. Энди сизлар топишмоқ айтасиз. Мен эса топаман (хоҳлаган болаларни чақиради). Кейин тарбиячи болаларга суратларни тарқатади ва кўриб олишни таклиф қиласиди. Кейин «Ким ўз сурати ҳақида сўзлаб беради?» деб сўрайди (4-5 бола жавоб беради, зарур бўлса, тарбиячи саволлар билан ёрдам беради).

Ўйин машқи. «Автомобиль». Болалар автомобиллар бўладилар гараждан чиқди, дейиши билан болалар автомобил бўлиб юрадилар, «биии-биии-биииб» товуш бирикмаларига тақлид қиласидилар. Тарбиячи «гараж» дейиши билан болалар жойларига келиб ўтирадилар.

Шундан сўнг тарбиячи болаларга стол устида ётган суратларни кўришни ва номида «Sh» ва «S» товуши бўлганини танлаб олиш топшириғини беради. Бир болани чақиради. Бошқа болалар унинг топшириқни қандай бажарганлигини текширадилар. Масалан: Саида, қайси суратни олдинг, кўрсат, номини айт? Бу сўзда «S» (ёки «Sh») товуши борми? (3-4 боланинг жавоби тингланади). Кейин тарбиячи қуидаги товуш бирикмалари ва сўзларни айтади. Кейин болалар умумий ва якка-якка такрорлайдилар: со-со-со-сочиқ, ша-ша-ша – бизнинг уйда бор теша.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Қўғирчоқ масхарабоз қандай топишмоқлар айтди?

- Қандай суратларни күрдик?
- «S» ёки «Sh» товуши бор сўзларни айтинг.
- Қайтарамиз: со-со-со-сочик, ша-ша-ша – бизнинг уйда бор теша.

34-машғулот

Мавзу: Сурат бўйича қисқа ҳикоя тузиш.

Мақсад: Сурат бўйича қисқа ҳикоя тузишни машқ қилиш.

Вазифалар:

- Ҳайвон болаларини биргаликда ва кўплиқда тўғри номлаш малакаларини мустаҳкамлаш.
- «Sh»товушини аниқ талаффуз этишга ва сўзларда ажратишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳайвонлар ва уларнинг болалари тасвирланган йирик, майда суратлар.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи «Бугун эрталаб боғчага хат ташувчи келди. Болаларга суратлар олиб келди. У менга ҳам сурат олиб келди. Менинг суратимда сигирнинг расми солинган. Унинг шохлари ва узун думи бор. Сигир ўтлоқда ўтлаб юрибди. У “мў-мў-мў” деб мўрайди. Ўзингизнинг қўлингизда-чи? Бу суратда нима солинган? Кимнинг суратида сигир бор? Вали ўз суратинг ҳақида сўзлаб бер. (бода тарбиячининг ҳикоясини такрорлаши мумкин. Агар у жавоб беришга қийналса тарбиячи саволлар беради. Кейин бошқа болани чақиради. Шу тариқа бошқа болаларни ҳам сурат ҳақида сўзлаб беришга таклиф қиласди. 4-5 боланинг жавоби тингланади.

Тетиклаштирувчи машқ. (Ихтиёрий)

Тарбиячи «Ҳозир мен сўзлар айтаман, сиз диққат билан эшитинг. Агар қайси сўзда «Sh» товушини эшитсангиз, чапак чаласиз: қишишда. Бу сўзда «Sh» товуши борми? Тўғри, чапак чалиш керак. Кейин тарбиячи қуидаги сўзларни талаффуз қиласди: шох, калиш, эшак, теша, рааша, мушук,. «Sh» товушини овоз билан ажратиб, чўзиб талаффуз қиласди. Болалар, «Sh» бор бўлган сўзларни аниқлайдилар. Охирида тарбиячи қуидаги топишмоқни айтади.

Катталиги уй каби,

Физиллаб кетади.

Миниб тушиб одамлар,

Жой-жойига етади. (Машина)

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Сигир сурати ҳақида ким сўзлаб беради?
- Сўзда «Sh» товушини эшитсангиз, чапак чалинг.
- «Sh» товуши бор сўзларни айтинг.

35-машғулот

Мавзу: Қушчани кузатиш. Ёмғир ва қушлар ҳаракатли ўйин.

Мақсад: Қушчани кузатиш орқали болаларда қувонч ҳосил қилиш.
Болаларда қушчани авайлаш, унга ғамхўрлик қилиш ҳиссини уйғотиш.

Вазифалар:

- Болаларнинг кузатиш вақтида олган таасуротларини сўз билан ифодалай олишларига эришиш (учяпти, сакраяпти, чўқияпти).
- Болаларни саволлар беришга ва саволларга жавоб беришга ўргатиб бориш.

Кутилаётган натижалар:

Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: қаранглар болалар бизнинг гуруҳимизда қандай чиройли қушлар яшайди – а? Қани эслаб кўринг-чи қушларимиз қандай ҳаракатлар қилишни билишади? (Болалар жавболари)

Тарбиячи: тўғри болалар, бизнинг қушларимизни кузатиш жуда қизиқарли. Улар гоҳ шохчада ўтирадилар, гоҳ сайрайдилар, гоҳ дон чўқилайдилар, гоҳ сув ичадилар, гоҳ қанотларини тозалайдилар. Ҳозир болалар биргаликда қушчаларимизни кузатамиз. Улар чўчиб кетмасликлари учун шовқин қилмасликни ҳаракат қиласиз. Болалар қушчани кузатиш вақтида уларнинг ҳаракатларини сўз билан ифодалаб берадилар. Болалар қушнинг тумшуғи, думи, қанотларини кўриб чиқадилар. Сўнгра тарбиячи қафасдаги қушчани жойига олиб қўяди ва болаларга қиши манзараси суратини кўрсатади ва сурат асосида ҳикоя қиласиди. “Болалар ҳозир мен сизга қишлиб қолувчи қушлар ҳақида сўзлаб бераман. Суратга қаранг дараҳтга донхўрак ўрнатилган. Дараҳтга донхўрак нима учун ўрнатилади? Тўғри, болалар донхўракка дон, нон увоқларини сочишади.

Тарбиячи сурат бўйича гапираётганда шакллардан (болалар, қушлар) фойдаланади. Болалар донхўракдан узоқлашиб кетишганда, қушлар дараҳтдан учиб донхўракка қўнадилар. Болалар сочиб кетган дон, нон увоқларини чўқийдилар. Қушларни дон чўқиётганларини болалар узоқдан туриб кузатадилар. Болалар қушларни дон чўқиётганларини кўриб суюниб кетдилар.

Ҳозир болалар “Қушлар ва ёмғир” ҳаракатли ўйинини ўйнаймиз. Сизлар қушлар бўласизлар. “Қушлар учадилар, дон чўқишиди ва яна учишади, сайрашади” десам, сиз сўзларимга қараб ҳаракат қиласиз. (болалар тарбиячи сўзларини ҳаракатда ифодалайдилар). “Ёмғир ёғяпти” десам, ҳамма қушлар ўтириб олишади. “Ёмғир тўхтади қушлар яна учадилар, сайрайдилар, дон чўқидилар” десам сиз яна ўрнингиздан туриб, ҳаракат қиласиз. Ўйин шу тариқа давом этади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Болалар бизнинг гуруҳимизда қандай чиройли қушлар яшайди ?

-Қушларимиз қандай ҳаракатлар қилишни билишади?

- Дараҳтга донхўрак нима учун ўрнатилади?

36-машғулот

Мавзу: Мавзу: Асарни қайта ҳикоя қилиш «Мақтанчоқ қуён» ўзбек халқ әртаги

Мақсад: Болаларнинг бадиий асарларни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш. Адабий асарлари мазмунли, мантиқий изчилликда сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

- Болаларни қуённи таърифлаб беришга (қўрқоқ, мақтанчоқ, ёлғончи) ўргатиш.
- Китобдаги расмларга қараб эртакнинг мазмунини гапириб беришга ўргатиш
- Асар қаҳрамонларининг сухбатини ифодали сўзлаб беришга ўргатиш.

Машғулот учун жиҳоз: Эртак учун ишланган расмлар.

Машғулотнинг бориши:

Бугун мен сизга мақтанчоқ қуён ҳақида эртак ўқиб бераман. Диққат билан эшитинг. Тарбиячи эртакни ифодали қилиб ўқиб беради.

Эртак асосида саволлар:

1. Эртак нима ҳақида экан?
2. Эртакдаги қуён сизга ёқдими?
3. У қандай экан? (Қўрқоқ, ёлғончи)
4. Қуён шерикларига нима деб мақтанибди ва қуён билан қандай воқеа рўй берибди?
5. Қуёnnинг қайси сўzlари уни мақтанчоқ эканлигини билдиради?

Савол-жавобдан сўнг тарбиячи эртакни яна бир бор ўқиб беради.

Тетиклаштирувчи машқ (Ихтиёрий)

Сўнгра 3-4 бола китобдаги расмларга қараб эртакнинг мазмунини гапириб беради.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ф.Н. Вахобова, М. Ш. Расулова ва бошқалар “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” Тошкент- 2008й.
2. “Болажон” таянч дастури- Тошкент- 2010й.
3. Ф.Р.Қодирова, Р. М.Қодирова “Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси ” Тошкент- 2006й
4. Қ. Шодиева “Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш” Тошкент- 1995й
5. М. Гайбуллаева “Болалар нутқини ўстириш” Тошкент- 1998й
6. О. С. Ушакова ва бошқалар “Занятия по развитию речи в детском саду”- Москва-1999й
7. З. Шомуротова “Товушларнинг меъёрий талаффузи” - Тошкент-2007й

Мундарижа

| МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ | | |
|--|--|----|
| Кириш | | 3 |
| Нутқ ва саводга тайёргарлик машғулотларининг ўқув йили бўйича тақсимоти | | 4 |
| 1 «Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш | | 5 |
| 2 Ўйинчоқ бўйича тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш | | 6 |
| 3 Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш | | 7 |
| 4 «Биз кубик ўйнаймиз» сурати устида сухбат | | 8 |
| 5 Кўғирчоқни тасвирлашга ўргатиш | | 9 |
| 6 Ўйинчоқлар ҳақида сухбат | | 11 |
| 7 Тарбиячининг ёрдамида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш | | 12 |
| 8 Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш | | 13 |
| 9 «Шолғом» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш | | 14 |
| 10 “И” товушини тўғри талаффуз этиш | | 15 |
| 11 Ўйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш | | 16 |
| 12 Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш | | |
| 13 «Чанада учамиз» сурати устида сухбат | | 17 |
| 14 Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш | | 18 |
| 15 Буюмларнинг сифати ва белгиларини (катталиги, ранги) айтишга, саволларга тўғри жавоб беришга, ҳикоя тузишга ўргатиш | | 19 |
| 16 Тарбиячи билан биргаликда «Бўри ва эчки болалари» эртагини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш | | 20 |
| 17 Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш | | 21 |
| 18 Сурат бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш | | 22 |
| 19 “Биз қушларни қандай овқатлантирамиз” жамоа тажрибасида ҳикоя тузиш.“Қўлимизни иситамиз” ўйини | | 23 |
| 20 Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш | | 24 |
| 21 Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқлар ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиш | | 25 |
| 22 Ўйинчоқларни тасвирлашга ўргатиш | | 26 |
| 23 Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш. | | 27 |
| 24 “Мушук ва мушукчалар” сурати устида сухбат | | 27 |
| 25 Буюмни тасвирлашни ўргатиш | | 28 |
| 26 Болаларни «Бўғирсоқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. | | 29 |
| 27 Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш | | 30 |
| 28 “Икки эчки” ўзбек халқ эртаги асосида қайта ҳикоя қилишни машқ қилиш | | 31 |

| | | |
|----|---|----|
| 29 | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш | 32 |
| 30 | Болаларни «Курк товук» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш | 33 |
| 31 | Тарбиячи ёрдамида кичик ҳикоя тузишга ўргатиш. | 34 |
| 32 | “Болалар балиқни овқатлантиряптилар” сурати устида сухбат | 36 |
| 33 | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш. | 37 |
| 34 | Сурат бўйича қисқа ҳикоя тузиш | 37 |
| 35 | Қушчани кузатиш. Ёмғир ва қушлар ҳаракатли ўйин | 38 |
| 36 | Асарни қайта ҳикоя қилиш «Мақтанчоқ қуён» ўзбек халқ эртаги | 40 |
| | Фойдаланган адабиётлар | 41 |

33-машғулот

Мавзу: “Зайнаб ва жўжалар” сурати бўйича ҳикоя тузиш

Мақсад: Сурат бўйича қисқа ҳикоя тузиш юзасидан тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

- нутқни сифат, феъллар билан бойитиш.
- «З» товушини тўғри талафузини мустаҳкамлаш
- жўжаларнинг номларини бирлик ва кўплик сонда тўғри ишлатишга ўргатиш.
- Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Кутилаётган натижалар:

Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади. Жўжаларнинг номларини бирлик ва кўплик сонда тўғри ишлатишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Зайнаб ва жўжалар” сурати, товук расми, ўйинчоқлар: қўғирчоқ, хўroz.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи хўroz суратини кўрсатади ва болалардан сўрайди. «Бу нима?» Бу хўроznинг нимаси? (тожиси, думи). Тожиси қандай рангда? Думи қандай рангда? Хўроz сизларга ёқадими? Ким хўroz ҳақида сўзлаб беради? Бу ... (хўroz). У ... (чиройли, катта). Унинг думи ... (чиройли), тожиси ... (қизил). Хўroz (ку-ку-кууу) деб қичқиради. (Бир неча бола жавоб беради).

Бу нима? (жўжани кўрсатади). Жўжалар қандай? (кичкина). Уларнинг ранги қанақа? (сариқ, сап-сариқ). Ким жўжалар ҳақида сўзлаб беради ...

Мана бу суратга қаранг. Қизча нима қиляпти? (жўжаларга дон беряпти).

Қизчанинг исми Зайнаб экан. Қизчанинг исми нима экан? (бир марта ва бир неча марта якка-якка жавоблар). Зайнаб жўжаларни қандай чақиради? («чиp-чиp-чиp»)

Жўжалар қандай? Улар ... (кичкина сап-сариқ жўжалар чи-чи-чи) деб чийиллайдилар. Жўжалар ким билан сайр қилиб юрибдилар? (Она товук билан). Она товук ўзининг жўжаларини нимадан қўриқлади? Жўжаларини қандай чақиради? (бир марта ва бир неча марта якка-якка жавоблар). «Қо-қо-қо» тезроқ келинг бу ёқقا, дейди.

Суратга қараб ким гапириб беради? (3-4 болалар жавоблари тингланади)
Энди диққат билан эшитинг, мен жўжалар ҳақида шеър айтиб бераман.

Жўжаларим

Чио-чио, жўжа қочди.

Синглим Доно тариқ сочди.

Бири сариқ, бири оқ.

Барча жўжа дум-думалоқ.

Тетиклаштирувчи машқ

“Зайнаб ва болалар” ўйини

Тарбиячи қўғирчоқни кўрсатади ва «Бу қизча Зайнаб». Зайнаб билан ўйнайсизларми? Болалар жўжалар бўладилар. Улар сайд қилиб донлаб юрадилар. Қўғирчоқ Зайнаб: (тарбиячининг қўлида)”Узоққа кетманглар. Қора мушук келаяпти! Тезроқ-тезроқ менинг олдимга келинглар”,-дейди. Ўйин шу тариқа давом этади.

Тарбиячи: болалар сизнинг қандай ўйинчоғингиз бор? Сиз қайси ўйинчоғингизни ўйнашни яхши кўрасиз? Бир нечта болаларнинг жавоблари тингланади. Сўнгра тарбиячи «Зайнабнинг ҳам яхши кўрган ўйинчоғи бор (хўrozни кўрсатади). Зайнабнинг хўрози бор. Хўрознинг хуш овози бор. Келинглар, ҳаммамиз биргаликда “Қу-қа-ра-қу-қу” деб қаттиқ айтамиз (такрорлайди). Энди секин айтамиз, дейди

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

Хўroz ҳақида нима дейсиз? Уқандай экан?

Жўжалар қандай экан?

Зайнаб жўжаларини қандай чақирар экан?

Зайнабнинг яхши кўрган ўйинчоғи нима экан?

Хўroz ўйинчоғи ҳақида ким гапириб беради?

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

| | Ойи | Машғулот мавзуси |
|---|---------|---|
| 1 | Сентябр | «Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртагини тарбиячи билан биргаликда |

| | | |
|----|---------|---|
| | | қайта ҳикоя қилишга ўргатиши |
| 2 | | Ўйинчоқ бўйича тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 3 | | Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиши |
| 4 | | «Биз кубик ўйнаймиз» сурати устида сухбат |
| 5 | Октябрь | Қўғирчоқни тасвирлашга ўргатиши |
| 6 | | Ўйинчоқлар ҳақида сухбат |
| 7 | | Тарбиячининг ёрдамида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 8 | | Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 9 | Ноябр | «Шолғом» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиши |
| 10 | | “И” товушини тўғри талаффуз этиши |
| 11 | | Ўйинчоқ ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 12 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 13 | Декабр | «Чанада учамиз» сурати устида сухбат |
| 14 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 15 | | Буюмларнинг сифати ва белгиларини (катталиги, ранги) айтишига, саволларга тўғри жавоб беришга, ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 16 | | Тарбиячи билан биргаликда «Бўри ва эчки болалари» эртагини қайta ҳикоя қилишга ўргатиши |
| 17 | Январ | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 18 | | Сурат бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 19 | | “Биз қушларни қандай овқатлантирамиз” жамоа тажрибасида ҳикоя тузиш. “Қўлимизни иситамиз” ўйини |
| 20 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 21 | Феврал | Болаларни тарбиячи ёрдамида ўйинчоқлар ҳақида қисқа ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 22 | | Ўйинчоқларни тасвирлашга ўргатиши |
| 23 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши. |
| 24 | | “Мушук ва мушукчалар” сурати устида сухбат |
| 25 | Март | Буюмни тасвирлашни ўргатиши |
| 26 | | Болаларни «Бўғирсоқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайta ҳикоя қилишга ўргатиши. |
| 27 | | Сурат бўйича (2-3 жумла гапли) ҳикоя тузишга ўргатиши (тарбиячи ёрдамида) |
| 28 | | Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиши |
| 29 | Апрел | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 30 | | Болаларни «Курк товуқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайta ҳикоя қилишга ўргатиши |
| 31 | | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши |
| 32 | | “Болалар балиқни овқатлантияптилар” сурати устида сухбат |
| 33 | Май | Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўргатиши. |
| 34 | | Сурат бўйича қисқа ҳикоя тузиш |
| 35 | | Қушчани кузатиши. Ёмғир ва қушлар ҳаракатли ўйин |
| 36 | | Тарбиячи ёрдамида кичик ҳикоя тузишга ўргатиши. |

